## ИНСОН ШАЪНИ МУҚАДДАС...

*уни асраш эса ўзимизга боғлиқ*

**Ҳар бир фуқарода одам савдосидек ярамас иллатга нисбатан муросасизлик кайфиятини кучайтириш, миллий қадриятларимиз, турмуш тарзимизга ёт иллатларга қарши ҳамиша огоҳ, ҳушёр бўлишга эришишимиз керак. Зеро, огоҳлик давр талаби, инсон ҳуқуқ ва эркинлиги эса энг олий қадриятдир.**

12 бет

## ТАНАФФУС ЛОЗИМ БЎЛМАЙДИГАН ҲОДИСАЛАР

**Бугун муаллимнинг яхши баҳосини олай деб, халқнинг эртанги яхши баҳосидан қуруқ қолмайдими бундай ота-оналарнинг фарзанди? Фарзанд ана шундай "тайёри"га ўрганиб қолса, унинг келажагини қандай тасаввур қиламиз?**

16 бет


Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2009-yil 9-iyul, № 28 (653)



**Комил ИСМОИЛОВ,**
**Қашқадарё вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси**


# ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ

## ЁХУД УНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ЎЗБЕК МОДЕЛИНИНГ АҲАМИЯТИ

Шу кунларда бутун дунёда молиявий инқироз алангаси барча секторларга дахл қилаётир. Кунора тебранаётган нарх, харажатларини қоплай олмай "синаётган" корхоналар, ишсизлик ва ҳоказо.

Доно халқимизда "Тўқайга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади", деган гап бор. Шу маънода ривожланган давлатлар қаторида эндигина тараққиёт пиллапоясига қадам қўяётган мамлакатимизда ҳукуматимиз томонидан инқирозга қарши давлат иммунитетини ҳосил қилиш, унинг хавф-хатарини юмшатиш ва кутилаётган зарарнинг имкон қадар камайишига эришиш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётгани туфайли молиявий инқироз чуқурлашишининг олди олинмоқда. Хусусан, мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури ва Президентимиз Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асари бу жараёнда, ҳеч шубҳасиз, дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Муҳтарам Президентимизнинг юқорида қайд этилган китобида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари, молиявий инқирознинг Ўзбекистонга таъсири ва унга қарши курашиш чора-тадбирлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтилган.

Президентимиз мазкур китобида жаҳон иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида тўхталиб, "Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларидаги энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди", дея баҳолаган.

АҚШда бошланган, сўнгра Ғарб ва Шарқнинг етакчи давлатларини қамраб олган молиявий инқироз уларнинг барчасига салбий таъсир кўрсатди. Бу эса глобаллашув шароитида миллий иқтисодиётлар ўртасида ўзаро боғлиқлик кучайиб бораётганининг оқибатидир.

Молиявий инқироз ғарб давлатларининг фақат молия-кредит ва банк тизимига эмас, шунингдек, ишлаб чиқариш сектори, хусусан, автомобилсозлик саноатига ҳам бюджетдан маблағ ажратишга мажбур этди ва ўта кескин иқтисодий либерализмга асосланган янги макроиқтисодий назария талабини очиқчасига четга суриб қўйди. Молия-кредит тизимида юз берган инқироз боис, уни келтириб чиқарган сабаблардан бири - қимматбаҳо қоғозлар чиқариш ва сотишни назорат қилишнинг самарали механизми йўқ экани маълум бўлди.

Шундай қилиб, бугунги кунда XX асрда қўлланган барча иқтисодий моделлар, улар капиталистик ёки социалистик мазмунда бўлишидан қатъи назар, янги иқтисодий амалиёт талабларига тўлиқ жавоб беролмаслиги кузатилмоқда. Ҳозирги глобаллашув замонида дунё мамлакатларининг инқироздан чиқиш учун ҳамкорликда ҳаракат қилиши бирдан-бир тўғри йўл бўлиши мумкин.

Бугунги жаҳон иқтисодий инқирозининг барча тараққиёт моделлари ўзбек модели учун ҳам жиддий синов бўлди. Ўзбек модели пухта илмий асосланганлиги, тараққиётнинг янги-янги талабларига жавоб бериши ва кучли ҳаётий салоҳияти туфайли инқирозга бардошли эканини амалда намоён этмоқда.

(Давоми 6-бетда).

ИФТИХОР


**Муқимжон ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**Андижон вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари**


# ҚОНУНИЙЛИК — АСОСИЙ ЭЪТИБОРДА

Бугунги кунда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар, Республика Президентининг фармонлари, ҳукумат қарорлари ижроси устидан прокурорлик назорати самарадорлигини ошириш прокуратура органларининг энг муҳим вазифаларидан бўлиб қолди.

Ижтимоий ҳимоянинг узвий қисми аҳолини иш билан таъминлаш, тайинланган нафақа, пенсия ва бошқа биринчи даражали тўловларни ўз вақтида тўлашдир. Айтиш мумкинки, буларнинг ҳаммаси прокуратура органларининг доимий назоратида. Бунда бюджетдан ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши ҳамда фуқаролардан келиб тушган мурожаатларнинг қонуний ҳал этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Текширишларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қатламига белгиланган имтиёзларнинг берилишида қонунбузарликларга йўл қўйилаётганлиги, моддий нафақага муҳтож фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан тўлиқ ўрганилмаётганлиги, нафақаларни тайинлаш ва тўлашда суиистеъмолчиликларга йўл қўйилаётганлиги ҳамда бюджетдан шу йўналиш учун ажратилган маблағлар мақсадли сарфланмаётганлиги аниқланиб, тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилмоқда.

Вилоятда меҳнат билан банд бўлмаган фуқароларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва уларни иш билан таъминлаш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда ўзаро ҳамкорликни кучайтириш борасидаги тадбирлар режасида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан муайян ишлар амалга оширилди.

Барча шаҳар-туман бандликка кўмаклашувчи марказларда маҳаллий ҳокимликларнинг фармойишлари билан манфаатдор ташкилот, муассаса ва ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари жалб этилган ҳолда аҳоли яшаш жойлари тўлиқ қамраб олиниб, сўров ўтказиш йўли билан иш қидирувчиларни ҳар чоракда рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг ҳисобини юритиш ишлари йўлга қўйилди.

Қонунийлик аҳволига доир маълумотларга кўра 2,5 млн. нафардан зиёд вилоят аҳолисининг 1,4 млн. нафари ёки 50 фоиздан ортиғи меҳнатга яроқлидир.

Вилоятда мавжуд бўш иш ўринларидан фойдаланиш, ходимларни талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича қайта тайёрлаш ҳисобига ишга жойлаштиришни таъминлашга йўналтирилган қўшимча комплекс чора-тадбирлар асосида жорий йилнинг 5 ойида аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 34702 та иш ўринлари яратилди. "Беллона миллениум", "Инком Тарандубитель" қўшма корхоналари ва "Маданияттекстиль", "Полвонтоштекстиль" корхоналари ишга туширилиб, 3700 та янги иш ўринлари яратилди. Бундан ташқари, учта объектлар модернизация қилиш ва янги ишга туширилиши ҳисобига қўшимча 98 нафар шахслар бандлиги таъминланган.

2009 йилнинг 5 ойида иш сўраб мурожаат қилган 23983 нафар фуқароларнинг 20741 нафари иш билан таъминланган, 1582 нафари ишсизлик мақомини олган, 662 нафари қайта касбга ўқитишга юборилган. 1006 нафар фуқаролар хўжалик юритувчи субъектлардаги ҳақ тўланадиган вақтинчалик бир марталик ишларга жалб этилдилар. 2009 йилда ижтимоий ҳимояга муҳтож, меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар учун 554 та хўжалик юритувчи субъектларда 6430 та иш ўринлари квоталаниб, жорий йилнинг 5 ойида 1706 нафар шахс ишга жойлаштирилди. Шунингдек, тижорат банклари томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларига, кичик корхоналарга янги иш жойларини ташкил қилиш ҳисобига фаолиятларини ривожлантириш ҳамда кенгайтириш мақсадида иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси ҳисобидан 345,8 млн. сўм имтиёзли кредитлар берилган. Имтиёзли кредитларнинг 219,2 млн. сўми чорвачиликни, 126,1 млн. сўми эса хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида берилган.

(Давоми 4-бетда).

# Оқ йўл, битирувчи!

**Адлия вазирлиги ташаббуси билан Ўзбек Миллий академик драма театрида Тошкент юридик коллежининг 2009 йил битирувчиларига дипломларни топшириш маросими ўтказилди.**

**Анжуманга Адлия вазирлиги масъул ходимлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг вакиллари, талабалар ва уларнинг ота-оналари ҳамда Оммавий ахборот воситалари таклиф этилди.**

Тошкент юридик коллежи Адлия вазирлиги тизимига кирувчи муассаса сифатида 1998 йилдан бери фаолият кўрсатиб, мустақиллик йиллари давомида 8000 дан ортиқ кичик ҳуқуқшунос кадрларни етказиб берган.

Бугунги кунда коллежда 4 та таълим йўналиши бўйича 3500 га яқин талабалар энг сўнгги замонавий педагогик технологиялар асосида таълим олишмоқда.

Тадбир давомида 1046 нафар "Хўжаликнинг ҳуқуқий фаолияти", "Маъмурий-ҳуқуқий фаолият", "Ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти", "Судларда ижро иши" йўналишларидаги битирувчиларга дипломлар топширилди. Улардан 34 таси имтиёзли дипломларни ташкил этади.

Тадбирда сўз олган Адлия вазирлиги масъуллари ҳамда коллеж маъмурияти таъкидлаганидек, сўнгги йилларда коллеж талабалари фан, таълим, спорт йўналишлари бўйича сезиларли ютуқларни қўлга киритиб, нафақат республикада, балки жаҳон миқёсида муносиб ўринларни эгаллашмоқда. Ўтган ўқув йиллари давомида спорт йўналиши бўйича коллеж талабаларидан 3 нафари жаҳон чемпиони, 4 нафари Осиё чемпиони ҳамда 6 нафари республика чемпионлари даражасини олишди. Бундан ташқари, фан-таълим йўналиши бўйича 1 нафар Халқаро олимпиада ва 1 нафар республика олимпиадаси ғолиблари аниқланди.

Мазкур кўрсаткичларнинг ўзиёқ коллежда талабаларнинг ҳар томонлама мукаммал билим олишлари ва спорт билан шуғулланишлари учун етарли шароитлар яратилганлигидан далолатдир.

Шунингдек, келажакда коллеж ўқитувчи ва талабаларининг билим доирасини янада кенгайтириш мақсадида, халқаро тажрибаларни амалиётда қўллаш масалаларига алоҳида эътибор берилаётганлиги таъкидланди. Хусусан, 2009-2010 ўқув йиллари давомида Россия, Германия, Корея давлатларининг ҳуқуқ йўналишидаги ўқув муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги эътироф этилди.

Тадбир давомида алоҳида ўрнак кўрсатган ўқитувчи ва талабаларга Адлия вазирлигининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.


**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати**

# Шарафли бурч

**Мустақиллик йилларида халқимиз эришган ютуқлар ҳар биримизга чексиз ифтихор туйғусини бағишлайди. Уларни бир-бир санаб ўтиришга ҳожат йўқ. Энг асосийси, истибдод давридаги эскича қарашлар барҳам топиб, юртдошларимизнинг замон билан ҳамнафас, янгича фикрлаётганидир. Бунинг самараси ўлароқ, мамлакатимизда эл-юрт тараққиётига ҳисса қўшаман деган фуқаролар учун кенг имкониятлар яратиб берилган.**

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида шу кунга келиб 18900 та тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтган бўлиб, шундан 15749 таси микрофирма ва кичик корхоналар, 2467 таси якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилардир.

2009 йил 5 ой давомида Қорақалпоғистон Республикаси прокуратура органлари томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва унинг кафолатлари тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда бир қатор қонунбузилиши ҳолатлари аниқланди.

Жумладан, Нукус туман "Тахир кўл" ОФЙ ҳудудида жойлашган "Асал" фермер хўжалигига Нукус туман ҳокимининг 2004 йил 12 февраль куни 94/2-сонли қарори билан 0,30 га ер майдони берилган. Лекин ушбу ердан "Шаҳло Шодиана Шамуратова" фермер хўжалиги раиси Ш.Эшмуратов ўзбошимчалик билан фойдаланиб келган. Унга нисбатан олдин жиноят ишлари бўйича Нукус туман судининг қарори билан жарима солинганлигига қарамасдан ерни шу кунгача қайтариб бермаган, бу ҳақда туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати томонидан 2009 йил 27 февраль куни далолатнома тузилган.

Ушбу ҳолат бўйича Нукус туман прокуратураси томонидан 2009 йил 13 март куни Ш.Эшмуратовга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, хусусий сектор бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди. Уларнинг шарофати билан кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланмоқда, фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Кўплаб янги иш ўринлари яратилаётир. Аммо ўз нафсини ўйлаган айрим мансабдор шахслар уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилишга ҳаракат қилаётганлиги ачинарли ҳолдир.

Масалан, Нукус шаҳри Архитектура шаҳар қурилиши бош бошқармасининг архитектори Ботир Дауимов ўз мансабидан фойдаланиб, чойхона қурилиши учун ер сўраб келган А.Матқурбоновга "Сизга ер майдон ажратиб беришимиз учун менга 2 млн. сўм пул беришингиз керак, акс ҳолда иш битмайди" дея таъмагирлик қилган.

2009 йил 6 февраль куни Б.Даумов ўзига тегишли бўлган ВАЗ-2106 автомашинасида фуқаро А.Матқурбоновдан 1 млн. сўм пора олган вақтида қўлга олинди. Бу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

АТ "Пахта банк" Манғит бўлими томонидан тумандаги тадбиркорлик субъектларига кредитлар берилиши ўрганилганда маълум бўлишича, жорий йилнинг 28 март ҳолатига жами 33 нафар фуқаро ва корхоналардан 536 млн. 910 минг сўмлик кредит ажратиш тўғрисида ариза келиб тушган. Шулардан 21 тасига 262 млн. 570 минг сўмлик кредит ажратилган. Банк муассасасига кредит ажратиш тўғрисида келиб тушаётган аризаларни қайд қилиш китоби юритилган бўлса-да, китобнинг варақлари рақамланмаган ва шнурланмаган, шунингдек китобнинг реквизитлари белгиланмаган шаклда тузилган. Бундай ҳолат кредит шартномаларини рўйхатга олиш китобида ҳам учрайди.

Аниқланган камчиликларни бартараф қилиш ва келгусида такрорланишининг олдини олиш мақсадида АТ "Пахта банк" Манғит бўлими бошқарувчиси номига тақдимнома киритилди.

Хулоса сифатда айтиш мумкинки, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари ходимлари зиммасидаги вазифаларни сидқидилдан бажариб, Ватан ва халқ олдидаги бурчини шараф билан адо этмоқдалар.

**М.АРЗИМБЕТОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи**

# «САХОВАТПЕША»

**Саховатли, ҳотамтой кишилар оз эмас. Бировнинг корига яраган саховатпешани барча алқайди. Бироқ ўзгаларнинг ҳисобидан "саховатпешалик" қилувчилар ҳам борки, қилмишлари ошкор бўлмай қолмайди. "Саховатли Турсунбой Қосимов" номли ММТПнинг собиқ раҳбарлари зоҳиран саховатпеша эдилар. Оғайниларга бутун бошли тракторни инъом қилиб юборишади-ю, саховатпеша бўлишмайдими? Ботинан эса...**

Қиш, қор ёққан кунлар эди. ММТП раиси Расулжон Қосимов (жиноят ишининг унга тегишли қисми Амнистия муносабати билан тугатилган) Тошкентга хизмат сафарига жўнади. Сафарда юриб, пул зарур бўлиб қолди. "Полмон оби ҳаёт" сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг раиси Азаматжон Давроновга телефон қилди. (Уюшманинг идораси ҳам ММТП биносида жойлашган эди).

— Озроқ пул зарур бўлиб қолди. Ҳайдов тракторини зудлик билан сотиб юборинг! — дея илтимос қилди.

— Бўпти, харидор топай-чи...

Азаматжон фермер хўжаликлари раҳбарларини бир-бир хаёлидан ўтказди. Назарида ҳамқишлоғи, "Барокатли Расулов Авазбек" фермер хўжалиги раҳбарининг бели бақувват, ҳайдов тракторини сотиб олишга кучи етарди. Қолаверса, майда гап эмас, оғзига маҳкам. Бир судланиб, амнистия билан қамалмай қолган. Унча-мунча олди-бердиларни гуллаб қўймайди.

Кўпинча ўйлаган одаминг ўз оёғи билан рўпарангдан чиқади. Аҳадбек Расуловни ММТПнинг омборхонасида учратди.

— Трактор бор, олмайсизми?

— Кўрайликчи, ишлатса бўладими?

Азаматжон харидорни ҳовлининг бир чеккасида мунғайиб турган "ДТ-74" ҳайдов тракторининг ёнига бошлаб борди.

— Анча-мунча харажати боракан,- деди Аҳадбек диққат билан кўздан кечириб. — Юргизвориш мушкулга ўхшайди.

— Кўп сўрамаймиз. Металлом баҳоси...

— Бўпти, — улар қўл ташлашди.

Авазбек пулни опкелиб, тракторни машинага юклаб олиб кетди. Орадан ярим йил ўтиб, фермер хўжалиги раҳбарини терговчи ҳузурига чорлади.

Аввалига у тонмади. Ростини гапирди.

— Тракторни етти юз эллик минг сўмга олганман. Пулни Азамат акага бериб, "КамАЗ" машинасига юклаб олиб кетганман...

Бироқ кейин унинг гаплари Азамат Давроновнинг гапи билан "бир жойдан" чиқа бошлади.

— Азамат ака билан жанжаллашиб қолган эдик. Шунинг учун олдинги кўрсатмамда унга етти юз эллик минг сўм берганман, деб нотўғри айтганман. Тўғриси, Азамат ака тракторни ММТП ҳисобидан қора металлом қабул пунктига 1500 килограмм темир-терсак топшириб, олиб кетаверасиз, деган эди. Темир-терсакни топширганимдан кейин ҳужжатларни расмийлаштирмоқчи эдик. Бироқ шу пайтгача металлом қилиб берганим йўқ. Трактор номимга ўтмагани учун ремонт ҳам қилганим йўқ. Бузуғича турибди...

Жиноят ишидаги ҳолатларга кўра, трактор сотилгандан кейин кўп ўтмай Т.Қосимов ишдан бўшайди. Унинг ўрнига СФУ раиси А.Давронов ММТП бошлиғи этиб тайинланади.

- Ўрнига мен раҳбар бўлганим учун Турсунбой билан орамизга совуқчилик тушди, - деди А. Давронов терговда. - Шунинг учун менга туҳмат қиляпти. Мен тракторни пулга сотганим йўқ. Унинг ўзи Тошкентдан туриб менга ҳайдов тракторини 1500 килограмм темир-терсак топшириб берадиган одам топиб бериб юборишини илтимос қилган эди. Унинг илтимосига кўра Аҳаджонни металлом топшириб, тракторни ўз номига расмийлаштириб олишга кўндирганман. Бироқ, у ҳозиргача металломни топширгани йўқ.

Тергов жараёнида "ДТ-74" русумли ҳайдов тракторини ҳисобдан чиқариш далолатномаси қалбакилиги аниқланди. Далолатномага ММТП ходимлари ўрнига раиснинг ўзи сохта имзоларни чеккан эди. Ҳужжатли тафтишда аниқланишича, "саховатпешалар" юқоридаги йўсинда битта чизел ва битта култиваторни ҳам арзон-гаровга "эҳсон" қилиб юборишган. Бундан ташқари А.Давронов қарздорларга ҳам "саховат" кўрсатиб, 3136000 сўм дебитор қарзларни ҳам ундириш чораларни кўрмаган. Оқибатида, ишчи-хизматчиларга маош тўланмай келинган. Солиқлардан қарздорлик кўпайиб борган.

ММТП раиси А. Давронов ва жиноий шериги А. Расулов айбларини хаспўшлаш мақсадида келтирган важлар асоссиз деб топилади. Суд ўзганинг мулкини талон-торож қилган икки ҳамқишлоқни қилмишларига яраша жазолади.

**Шокиржон СУЛТОНОВ,**
**Қувасой шаҳар прокуратураси катта терговчиси**

**Сўнгги йилларда юртимизда валюта бозорини эркинлаштириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2003 йилнинг 15 октябрида жорий операциялар учун сўмни эркин алмаштириш йўлга қўйилганлиги ва бу билан мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида валюта алмаштириш шоҳобчалари фаолият бошлаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Бу билан, аввало, ноқонуний валютафурушлар фаолиятига чек қўйилди. Бироқ, ҳамон мавжуд қонунларга чап бериб, хорижий валюта алмаштиришни ўзларига "касб" қилиб олганларга дуч келинмоқда.**

# НОҚОНУНИЙ ДАРОМАД БУЮРМАЙДИ

Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида Республика бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти органлари ходимларининг тезкор тадбирлари натижасида 228 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Ҳуқуқбузарлардан 483 минг 715 АҚШ доллари, 3063 евро, 350 млн. 231 минг Ўзбекистон сўми, 681 400 Қозоғистон тенгеси, 741285 Россия рубли олиб қўйилиб, давлат ҳисобига ўтказилди. Хусусан, ўтказилган тезкор тадбирда фуқаролар Ғ.Баҳодиров ва Ҳ.Мирсодиқовлар ўзаро жиноий тил бириктиришиб Шайхонтоҳур туманидаги Абай кўчасида жойлашган автомобиллар тўхташ жойида Ғ.Баҳодиров бошқарувидаги автомашина ичида харидорга 19.390 АҚШ долларини, ҳар 1 АҚШ долларини 1650 сўмдан ҳисоблаб сотаётган вақтида ушландилар. Қонунга хилоф равишда муомалага киритилган валюта қимматликлари далилий ашё сифатида олинди. Суд томонидан айблов ҳукми чиқарилиб, қонунбузарларга нисбатан тегишли жазо тайинланди ва жазо муқаррарлиги таъминланди.

Бозорларда, кўчаларда қўлда валюта олди-сотдиси таъқиқланганлиги кўпчиликка ойдай равшан. Шундай бўлсада, фуқаролар Г.Давлятов, Е.Савенколар Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, марказ-1 мавзеси, Шаҳрисабз кўчасида жойлашган "PAYNET" шоҳобчаси олдида валюта олди-сотдиси билан шуғулланишга жазм қилишган. Аммо уларнинг қонунга хилоф фаолияти узоққа бормай, валюта савдоси айни авжга чиққан пайтда департаментнинг валютага оид жиноятларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш бўлими томонидан ўтказилган рейд тадбирида ушландилар. Аниқроғи, улар харидорга 4500 АҚШ долларини ҳар бирини 1650 сўмдан ҳисоблаб, жами 7 млн. 425 минг сўмга сотишаётган вақтларида ноқонуний хатти-ҳаракатларига чек қўйилди. Қонунга хилоф равишда муомалага киритилган хориж валютаси далилий ашё сифатида олиниб, ҳуқуқбузарларга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Республикамизнинг барча шаҳар ва вилоятларида чет эл валютасини эркин айирбошлаш бўйича 1800 дан ортиқ шоҳобчалар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан 600 га яқини Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган. Аммо яратилган шарт-шароитларга қарамай, ҳамон мавжуд қонунларга чап бераётган кимсаларга дуч келинмоқда. Хўш, нега? Бунга жавоб эса оддий: сохта тадбиркорлар ноқонуний йўллар билан топилган нақд пул маблағларини расмий валюта алмаштириш шоҳобчалари орқали эмас, балки "қора бозорда" алмаштиришни ўзларига афзал кўрадилар. Афсуски, уларга хайрихоҳлик кўрсатаётганлар ҳам топилади. Баъзи фуқароларимиз ҳам шубҳали шахслар хизматига мурожаат қилиб, беихтиёр қонунбўзарлик ҳолатларининг иштирокчисига айланиб қолишаётганлигини сезишмаяпти. Чунки уларнинг ноқонуний валюта олди-сотдиси ҳам бели оғримасдан пул топишга ўрганиб қолган кимсаларнинг тегирмонига сув қуяди. Аммо бундайларнинг хизматидан фойдаланиб, улардан қалбаки доллар сотиб олиб ёхуд кам миқдорда пул олиб, чув тушиб қолганлар оз эмас.

Амалдаги қонунларни четлаб ўтиб, валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки сотиш билан шуғулланаётган кимсаларга нисбатан қонунларимизда жазо чоралари белгиланган. Шундай экан, фақат қонун доирасида фаолият юритганларгина ютқизмайдилар.

**Шуҳрат АБДУЛЛАЕВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти бўлим бошлиғи ўринбосари**

# Нафс оқибати

**Нафс қулига айланган инсон босар-тусарини билмай қолар экан. Бу эса охир-оқибат унинг эл олдида шарманда бўлишига сабаб бўлади.**

Пўлат Миркомилов (исм-шарифи ўзгартирилган) 5 йилдирки, "Йўл кўприктаъмирихтисос" Давлат унитар корхонасининг раҳбари лавозимида туппа-тузук ишлаб келаётган эди. Нима бўлди-ю, нафс балоси раҳбарни йўлдан урди. У "Норин-Сирдарё" ИТХБГГМЭ корхонасининг 2007 йил январь ойидан буён тўлов муддати ўтган дебиторлик қарзларини тўламаганига қарамай, санаси кўрсатилмаган хат орқали корхонасига умуман алоқаси бўлмаган "Сервис Ойл Импекс" МЧЖга 13.467.339.0 минг сўм маблағ ўтказиб берган. Оқибатда ўзи бошқариб турган "Йўл кўприктаъмирихтисос" Давлат унитар корхонасига катта миқдорда зарар етказди

Бундан ташқари, корхонанинг 2008 йил 1 январь ҳолатига 56.724.448.0 минг сўмлик дебиторлик, 170.244.084 минг сўмлик кредиторлик, шундан 19.510.252 минг сўмлик тўлов муддати ўтган дебитор қарздорлиги ва 8.748 сўмлик тўлов муддати ўтган иш ҳақи қарздорликлари мавжуд бўлса-да, уларни ундиришнинг чоралари кўрилмаганлиги натижасида республикамизнинг амалдаги фармон ва қарорлар талаблари қўпол равишда бузилган.

Корхонала аниқланган бу каби қонунбузилишлар юзасидан "Йўл кўприктаъмирихтисос" Давлат унитар корхонаси раҳбари Пўлат Миркомиловга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Судда корхона бош ҳисобчиси ва бошқа ходимлар сўроқ қилинганда "раҳбаримизнинг амалга оширган ишларидан хабардор эдик. Аммо бу ишлар қонунга хилоф равишда амалга оширилаётганини билмаганмиз. Қизиқиб сўрамоқчи бўлганимизда, сизлар ҳужжатли ишларга аралашманглар, ҳаммаси тўғри, ортиқча савол бериб, ишдан чалғиманглар, деб жавоб берган" дея кўрсатма беришган. Ўзлаштириш ва талон-торож қилиш жиноятини содир этган собиқ корхона раҳбари қилмишига яраша жавобгарликка тортилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўзига ишониб топширилган мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, вазифасига таъмагирлик кўзи билан қараш ҳар қандай раҳбарнинг обрўсига путур етказишини юқоридаги ҳолат ҳам исботлаб турибди.

**Умар ФАЙЗИЕВ,**
**Собир Раҳимов туман прокурорининг катта ёрдамчиси**




**Таҳририятга келаётган ариза ва шикоятлар ичида бугунги кундаги долзарб мавзулар билан боғлиқ бўлган саволлар ҳам борки, уларга жавоб бериш билан бирга кенгроқ тушунча бериб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлса керак.**

**Пенсияга чиқиш жараёни билан боғлиқ масалаларда, айниқса умумий белгиланган ёшдан олдин пенсия таъминоти олиш борасида фуқароларда пайдо бўлаётган тушунмовчиликлар ва унинг оқибатида юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш мақсадида қуйида ҳавола этилаётган савол ва жавоблар билан газетхонларни таништиришни кўзлаганмиз.**

**Зеро, "Huquq"нинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари ҳам фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда ўз ҳиссасини қўшишдир.**

# НАФАҚА ҚАЧОН ТЎХТАТИЛАДИ?

***Мен, вилоят ИИБ Қўриқлаш бошқармаси Чироқчи туман бўлимида катта ҳисобчи лавозимида ишлар эдим. 2007 йил 29 март куни штат қисқариши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 1-бандига асосан ишдан бўшатилдим. Шу сабабли туман аҳолини бандликка кўмаклашиш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимига иш сўраб мурожаат этдим. Иш топилмагач, улар мендан тегишли ҳужжатларни олишиб, 2008 йилнинг 1 май кунидан 58 ёшга етганлигим сабабли нафақа тайинлашди. 2009 йилнинг 1 мартига қадар мазкур ёшга доир нафақани олиб турдим.***

***Аммо, 2009 йилнинг 12 мартидан эътиборан Чироқчи туман ижтимоий таъминот бўлимидагилар пенсиянгизни вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси томонидан тўхтатилди, деган мазмунда хабар қилдилар.***

***Ишдан бўшашим муносабати билан тўпланган ҳужжатлар, менга нафақа тайинланиши, ёшимга доир оралиқ муддатлар ҳаммаси тегишли қонунларга мос келиб турса-ю, нафақа тўлови нега тўхтатилади?***

**Муҳиддин СИДДИҚОВ,**
**Чироқчи тумани**

Ариза муаллифининг мурожаати Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ўрганилгандан кейин, улардан бу борада қуйидагича мазмунда жавоб хати олинди:

Пенсиялар Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунига қатъий риоя қилган ҳолда тайинланиб, тўланади.

Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 25-моддаси 11-қисми ҳамда "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунининг 14-моддасида ходимлар сони (штатлари) қисқартирилиши ёки корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар тугатилиши муносабати билан ишдан бўшатилган ва "Ишсиз" мақомига эга бўлган шахсларга муддатидан олдин ёшга доир пенсия тайинлаш назарда тутилган.

"Муддатидан олдин ёшга доир пенсия технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан доимий иш жойидан 58 ёш (пенсия ёши арафаси)да маҳрум бўлган эркакларга туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашувчи марказ томонидан белгиланган тартибда "Ишсиз" деб эътироф этилган тақдирда ижтимоий таъминот бўлими томонидан пенсия тайинланади".

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 7 январда рўйхатга олинган 588-сон Йўриқноманинг 13-бандига мувофиқ муддатидан олдин тайинланган пенсиялар ишламайдиган фуқароларга тўланади. Бундай пенсияни олаётган фуқаролар умумий асосларда пенсия олиш ёшига (эркаклар 60 ёшга) етгунига қадар ишга кирган ҳолларда муддатидан олдин тайинланган пенсия тўлови тўхтатилади.

Қашқадарё вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг маълумотига кўра, Чироқчи туман Бандликка кўмаклашувчи марказ томонидан фуқароларни "Ишсиз" деб эътироф этилиши назорат тартибида ўрганилганда, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"-ги Қонуннинг 25-моддаси 11-қисми талаблари бузилган ҳолда марказнинг 78-сон Тақдимномаси билан "Ишсиз" деб эътироф этилганингиз аниқланган ва 2008 йил 1 майдан "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддасига асосан тайинланган пенсия тўлови 2009 йил 1 мартдан тўхтатилган.

**А.МЎМИНОВ,**
**Бошқарма бошлиғининг ўринбосари**

***Юқоридаги кабиц мазмунда Қашқадарё вилояти, Нишон туманидан фуқаро В.Собировнинг мурожаати юзасидан Қашқадарё вилоят прокуратураси томонидан қуйидагича жавоб олдик:***

— Аниқланишича, фуқаро В.Собиров вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" Нишон туман филиалининг 11.01.2008 йилдаги 5-Х-сонли буйруғига кўра, у билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 1-бандига асосан бекор қилинган.

Туман Бандликка кўмаклашувчи Маркази томонидан 04.10.2008 йилда фуқаро В.Собировга муддатидан олдин пенсия тайинлаш ҳақида туман ижтимоий таъминот бўлимига тақдимнома киритилган.

Мазкур тақдимномага кўра, туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни 14-моддасига асосан фуқаро В.Собировга муддатидан олдин ёшга доир пенсия тайинлаш бўйича тўпланган ҳужжатлар вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига юборилган.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан ушбу ҳужжатлар ўрганиб чиқилиб, фуқаро В.Собировга муддатидан олдин пенсия тайинланиши "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунининг 14-моддасига асосан рад этилганлиги аниқланган.

**М.АЗИМОВ,**
**Қашқадарё вилоят прокурорининг ўринбосари**

## ТАҲРИРИЯТДАН

***Юқоридаги каби ҳолатларда пенсия таъминоти Ўзбекистон Адлия вазирлигида 1999 йилнинг 7 январида рўйхатга олинган "Алоҳида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатилган ходимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш тартиби тўғрисида"ги 588-сонли Йўриқнома талаби бўйича амалга оширилиши учун фуқаро туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашувчи маркази томонидан белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф этилиши ҳамда пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсияга чиқиш учун талаб этиладиган умумий меҳнат стажига эга бўлиши лозим. "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ, муддатидан олдин пенсия таъминотини олиш учун эркакларнинг ёши 58 дан 60 ёшгача бўлиши ва суғурта қилинган бўлиб, умумий меҳнат стажи йигирма беш йилдан кам бўлмаслиги, аёлларнинг эса умумий меҳнат стажи йигирма йилдан кам бўлмаслиги ҳамда ёши 53 дан 55 ёшгача бўлиши даркор. Лекин бунинг учун аввал, бундай шахслар меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан сўнг ўн кун ичида ўзларининг яшаш жойидаги Бандликка кўмаклашиш марказига иш қидирувчи шахс сифатида мурожаат қилсалар, Бандликка кўмаклашиш маркази ходимлари бундай шахсларга уч ой муддат ичида, агарда улар ўн календарь кундан кейин мурожаат қилсалар ўн кун ичида мақбул келадиган ишни топишда ёрдам беришлари керак.***

***Агар иш қидирувчи шахсларга Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан тилга олинган муддат ичида икки марта мақбул келадиган иш таклиф қилинмаса, бундай ҳолда улар иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатга олинган кундан бошлаб ишсиз деб эътироф этиладилар.***

***Меҳнат бўлими ишсиз деб эътироф этилган ва муддатидан олдин ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга 4-шаклдаги тақдимнома тайёрлайди ва 5 кун муддат ичида тегишли туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига топширади.***

***Меҳнат бўлими томонидан берилган тақдимнома ижтимоий таъминот бўлими томонидан муддатидан олдин ёшга доир пенсия тайинлашга асос бўлиб ҳисобланади.***

***Муддатидан олдин тайинланган пенсиялар ишламайдиган фуқароларга тўланади. Бундай пенсияни олаётган фуқаролар умумий асосларда пенсия олиш ёшига (эркаклар 60 ёшга, аёллар 55 ёшга) етгунга қадар ишга кирадиган бўлса, унда уларга берилаётган пенсия таъминоти тўхтатилади.***

## Ишсиз деб эътироф этиш

"Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасига кўра, ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ишга ва иш ҳақига (меҳнат даромадига) эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр меҳнатга қобилиятли шахслар ишсиз деб эътироф этилади.

Шахсларни ишсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор маҳаллий меҳнат органи томонидан улар иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн биринчи кундан кечиктирмай қабул қилинади.

Қуйидагилар ишсиз деб эътироф этилмайди:

— меҳнат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн кун ичида таклиф этилган мақбул келадиган ишни икки марта рад этган шахслар;

— рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн кун ичида мақбул келадиган ишни қидириш мақсадида узрсиз сабабларга кўра меҳнат органига келмаган шахслар.

Таклиф этилган ишдан бош тортган кундан ёки мақбул келадиган ишни қидириш мақсадида узрсиз сабабларга кўра меҳнат органига келмаган кундан бошлаб ўттиз календарь кун ўтганидан кейингина шахс иш қидираётган сифатида қайта рўйхатдан ўтишга ҳақли бўлади.

Фуқароларни ишсиз сифатида рўйхатга олиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

## Мақбул келадиган иш

Биринчи марта иш қидираётган, касби (мутахассислиги) бўлмаган шахслар учун дастлабки касб тайёргарлигини талаб қилмайдиган иш, бундай ишни топиб бериш имконияти бўлмаган тақдирда эса, уларнинг ёши ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳақ тўланадиган бошқа иш, шу жумладан, вақтинчалик иш мақбул келадиган иш деб ҳисобланади. Шунингдек, ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган шахслар учун уларнинг касб тайёргарлигига мос бўлган, ёшини, соғлиғи ҳолатини, меҳнат стажини ва аввалги мутахассислиги бўйича тажрибасини, янги иш жойининг транспортда қатнаш жиҳатидан қулайлигини инобатга олувчи иш мақбул келадиган иш деб ҳисобланади.

Ушбу Қонун 27-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ишсизликнинг дастлабки даври тугаганидан сўнг касбига (мутахассислигига) мос иш топиб бериш мумкин бўлмаган тақдирда, унинг қобилиятини, кучини, олдинги тажрибасини ва унга қулай бўлган ўқитиш воситаларини инобатга олган ҳолда касбини (мутахассислигини) ўзгартиришни талаб қиладиган иш мақбул келадиган иш деб ҳисобланиши мумкин.

Қуйидаги ҳолларда иш мақбул келадиган иш деб ҳисобланиши мумкин эмас, агар:

— иш яшаш жойини ўзгартириш билан боғлиқ бўлса;

— таклиф этилган иш доимий яшаш жойидан анча узоқ бўлса ва транспортда қатнаш жиҳатидан қулай бўлмаса.

Иш жойининг транспортда қатнаш жиҳатидан қулайлигини (йўл қўйилиши мумкин бўлган узоқликни) мазкур жойда жамоат транспорти тармоғининг ривожланганлигини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органи аниқлайди;

— таклиф этилган ишда иш ҳақи шу мутахассислик ва малака учун белгиланган тартибда аниқланадиган энг кам миқдордан оз бўлса;

— ишни рад этиш узрли сабаблар билан асосланган бўлса.

Қашқадарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг маълумотига кўра, фуқаро М.Сиддиқовга унинг мурожаати асосида тайинланган пенсиянинг орадан бир йил ўтиб бекор қилиниши унинг иш ўрни қисқариб, мурожаат этган вақтда у 57 ёшда бўлганлиги ҳисобга олинмасдан, белгиланган меъёрий ҳужжатларга зид равишда туман Бандликка кўмаклашувчи Маркази томонидан 2008 йилнинг 2 майидан "ишсиз" деб эътироф этилган. Яъни, М.Сиддиқов мурожаат этган вақтда муддатидан олдин пенсия таъминоти олиш учун белгиланган 58 ёшга тўлмаган.

Мазкур ҳолат Қашқадарё вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан назорат тартибида ўрганилганда, туман Бандликка кўмаклашувчи марказ томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 25-моддаси ҳамда "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддаси талаблари бузилган тарзда пенсия тайинлаш учун тақдим этилган.




**Саҳифамизда Андижон вилоят прокуратураси органлари**



# ҚОНУНИЙЛИК — АСОСИЙ ЭЪТИБОРДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларига меҳнат қилиш фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, мақбул келадиган ишларни таклиф этиш мақсадида бандликка кўмаклашувчи марказлар билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркалари ўтказиш орқали уларнинг бандлигини таъминлашга устувор вазифа сифатида қаралди.

Ўтган 5 ойда 5861 та бўш иш ўринларини таклиф этган 1264 та хўжалик юритувчи субъектлар иштирокида 54 марта меҳнат ярмаркалари ўтказиш орқали 3092 нафар фуқаролар иш билан таъминланди. Ишга жойлашганларнинг 1766 нафарини ёшлар ташкил этади. Мутасадди муассасалар билан ҳамкорликда меҳнат бозоридаги вазият ва муайян ихтисосликлар бўйича кадрларни қайта тайёрлаш ва касбга ўқитиш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, 2009 йилнинг ўтган даврида 179 нафар фуқаро, шу жумладан 10 нафар фуқаро бичувчи-тикувчи, 124 нафари тикувчилик, 10 нафари бошқа мутахассислик бўйича касб-ҳунар коллежлари қошида ташкил этилган курсларда ўқитилмоқда.

Соҳавий йўналишда ўтказилган назорат тадбирлари айрим ҳудудий бандликка кўмаклашувчи марказлар томонидан ишсиз деб эътироф этилган шахсларга нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиблари бузилаётганлиги, иш сўраб мурожаат қилган шахсларни қайта ҳунар ўрганишга ўқитиш, жамоат ишларига юбориш ишлари тўғри йўлга қўйилмаганлиги, ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлар талон-торож қилинганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, Улуғнор туман бандликка кўмаклашувчи марказ мутахассиси М.Жалолова 2008 йил июль ойида тумандаги "Шодлик файз транс" масъулияти чекланган жамиятида ишчи вазифасида ишлаб келаётган фуқаро Ж.Ғаниев номидан марказ директори номига ишсиз эканлиги, иш билан таъминлашга ёрдам бериш ҳақида ариза ёзиб, имзони сохталаштириб тақдим этган.

Бунинг натижасида Адлия вазирлигида рўйхатга олинган "Меҳнат органларида фуқароларни рўйхатга олиш, уларни иш билан таъминлаш, ишсизлик бўйича нафақани тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низом талаблари бузилиб, Ж.Ғаниевга 2009 йил 1 январига қадар 144,3 минг сўм ишсизлик нафақаси сифатида тўланган. Туман прокурорининг қарорига асосан марказ мутахассиси М.Жалоловага нисбатан Жиноят кодексининг 228-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш туман ИИБ тергов бўлинмасига топширилган.

Ёки 2008 йилда Хўжаобод туман бандликка кўмаклашувчи марказ мансабдор шахслари ҳақиқатда фаолият юритмаётган "Д-Ординал" хусусий фирмасига 15 нафар фуқароларни уста-шогирд йўналиши бўйича қайта касбга ўқитишга йўналтирилганлиги ҳақида ҳужжатларни сохталаштириб, бу мақсадлар учун сарфланган 1 млн. 20 минг сўм маблағни ўзлаштирганлар. Шунингдек, смета-харажатларида назарда тутилмаган мақсадлар учун 6.8 млн сўмни сарфлаганлар. Туман прокурорининг қарорига асосан марказ мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми "в,г" бандлари ва бошқа моддалар билан жиноят иши қўзғатилган.

Айрим ҳолларда банк муассасаларидан олинган имтиёзли кредит маблағларини бошқа мақсадларга сарфлаш йўли билан ўзлаштириб юборилганлиги аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан жиноий жазонинг муқаррарлиги таъминланган.

Улуғнор тумани, "Оқ-олтин" ҚФЙ, Шаҳриобод маҳалласида яшовчи Д.Турғунов АТ "Пахтабанк" Оқ-олтин бўлимидан сартарошлик фаолияти билан шуғулланиш учун олинган 4 млн. сўм имтиёзли кредит маблағларини ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган. Туман прокурорининг қарори асосида Д.Турғуновга нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми "а" банди билан жиноят иши қўзғатилган. Дастлабки тергов натижаларига кўра, Д.Турғунов Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми "а" банди, туман бандликка кўмаклашувчи маркази бандлик бўлими бошлиғи М.Абдуллаев Жиноят кодексининг 208-моддаси, 209-моддаси 1-қисми билан айбланиб, жиноят иши суд муҳокамасига юборилган. Жиноят ишлари бўйича Улуғнор туман судининг ҳукми билан айбдорларга жазо муқаррарлиги таъминланган.

Фуқароларни ишга қабул қилишда таъмагирлик ҳолатлари кузатилди. Андижон шаҳар прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда фуқаро Х.Умматов РШТЁИМ Андижон филиалининг кардиреанимация бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келиб, 2008 йил ноябрь ойида фуқаро М.Нажмиддиновани ишга олиш учун унинг опаси М.Набиевадан 300 АҚШ доллари, фуқаро Б.Холматовани 2008 йил июн-июль ойларида бўлимга ҳамширалик лавозимига ишга олиш учун 300 минг сўм пул ва 1000 АҚШ доллари олганлиги аниқланган. Шаҳар прокурорининг қарори асосида Х.Умматовга нисбатан Жиноят кодексининг 214-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Мазкур қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган текшириш натижаларига кўра, қонунбузарликларни бартараф этиш ҳақида 16 та тақдимнома киритилиб, 16 нафар мансабдор шахс маъмурий, 15 нафари интизомий жавобгарликка тортилди, 12 нафари огоҳлантирилди, жиддий қонунбузарликлар юзасидан 5 та жиноят иши қўзғатилган.

Асака ва Бўз туманлари ижтимоий таъминот бўлимларида фуқароларга пенсия тайинлаш ва тўлаш юзасидан ўтказилган текшириш материаллари ҳудудий прокурорларга топшириқ бериш орқали ўрганилди. Ўрганиш жараёнида пенсия тайинлаш ва тўлашда жиддий қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги тасдиқланди.

Хусусан, Бўз туман ижтимоий таъминот бўлими ҳамда почта алоқа тармоғи масъул мансабдор шахслари ўзаро олдиндан жиноий тил бириктириб, 2007 йил сентябрь ойидан 2008 йил декабрга қадар бўлган даврда ижтимоий таъминот бўлими ҳисобида бўлмаган 15 нафар фуқарога пенсия тайинланганлиги ҳақида қайдномаларга сохта ёзувлар киритиб, жами 8,4 млн. сўмни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганлар. Шунингдек, И.Боймирзаева ва бошқа 12 нафар фуқаро номига такроран пенсия ҳисобланиб, ижтимоий таъминот бўлимининг компьютер базасидаги нафақа тайинлаш қайдномаларига сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш йўли 1,3 млн. сўмни ўзлаштириб юборганлар. Бундан ташқари, туман ижтимоий таъминот бўлими мансабдор шахслари томонидан фуқароларга нафақаларни ортиқча ҳисобланиб, тўлаб юборилиши натижасида 5.2 млн. сўм растрата йўли билан талон-торож қилинган.

Туман прокурорининг қарори билан туман ижтимоий таъминот бўлими ва почта алоқа тармоғи мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а,г" бандлари ва 209-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган. Шу каби Асака туман ижтимоий таъминот бўлими ва почта алоқа тармоғи мансабдор шахслари хизмат вазифаларига лоқайдлик ҳамда виждонсизларча муносабатда бўлганликлари натижасида 2008 йил 1 апрелдан 2009 йил 1 майга қадар 19.6 млн. сўм пенсия ва нафақаларга ортиқча тўлаб юборилган. Ҳудудий прокурорнинг қарорига кўра Асака туман ижтимоий таъминот бўлими ва почта алоқа тармоғи мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг 207-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ижроси юзасидан ҳам назорат тадбирлари олиб борилмоқда. Бунда асосий эътибор аҳолини иш билан таъминлаш, фуқароларни ишсиз шахс сифатида рўйхатга олиш, ҳисобини юритиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож, меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларга қўшимча кафолатларни таъминланиши, янги иш ўринларини яратиш, ишсизларга нафақалар берилиши ва мақсадли кредит маблағларидан фойдаланишнинг қонунийлигига қаратилмоқда.

2008 йилда мазкур қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган текшириш натижаларига кўра, қонунбузарликларни бартараф этиш ҳақида 59 та тақдимнома киритилиб, 69 нафар мансабдор шахс маъмурий, 41 нафари интизомий жавобгарликка тортилди, 124 нафари огоҳлантирилди, жиддий қонунбузарликлар юзасидан 12 та жиноят иши қўзғатилган.

Назорат тадбирларида бандликка кўмаклашувчи айрим марказларда фуқаролар бандлигини таъминлаш ишлари тўғри ташкил этилмаганлиги ва етарли эътибор берилмаётганлиги, соҳавий йўналишда жиддий қонунбузарликлар келиб чиқишига сабаб бўлаётганлиги аниқланди.

Хусусан, Шаҳрихон туман бандликка кўмаклашувчи марказ раҳбари Б.Хидиров ҳамда бош ҳисобчи И.Мирзаевлар 2 нафар ходимга берилиши лозим бўлган 107.8 минг сўм иш ҳақи ва 18 нафарига йўл ҳақи, сафар харажатлари учун ҳисобланган 155,3 минг жами 265.2 минг сўм маблағларни ўзлаштириш орқали талон-тарож қилганлар. Туман прокурори қарори асосида Б.Хидиров ва бошқаларга нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми "в,г" бандлари билан жиноят иши қўзғатилган ва айбдорларга жиноий жазонинг муқаррарлиги таъминланган.

Бугунги кунда олиб борилаётган тарғибот тадбирларига қарамай дунёда глобал муаммога айланиб бораётган одам савдоси билан боғлиқ жиноятларда фуқароларни мажбурий меҳнат билан шуғуллантириш мақсадларида фойдаланиш учун республикамиз ҳудудидан яширин равишда олиб чиқиб кетилаётганлиги сир эмас.

Асака тумани, "Дўрмон" маҳалласида яшовчи Р.Мирзалиев одамлардан фойдаланиш мақсадида Ж.Сулаймонов ва бошқа жами 20 нафар фуқарони ёллаб, Россия Федерациясининг Оренбург шаҳрида шартнома асосида иш топиб бериш, хавфсиз меҳнат шароитларида ишлаш, ойлик иш ҳақларини тўлаш, уй-жой ва озиқ-овқат билан таъминлашни ваъда қилиб, алдаш йўли билан олиб кетган ҳамда 6-7 ой давомида улардан қурилиш ишларидан фойдаланиб, иш ҳақларини бермасдан келган. Туман прокурорининг қарори асосида Р.Мирзалиевга нисбатан жиноят кодексининг 135-моддаси 2-қисми "б" банди билан жиноят иши қўзғатилган. Шу каби Андижон шаҳрида яшовчи Б.Умаров фуқаро Н.Муҳаммедовани алдаш йўли билан Россия Федерациясининг Қозон шаҳрига олиб бориб, 2008 йил 1 апрелдан 31 июлга қадар, 4 ой мобайнида иш ҳақи бермасдан ишлатиб келган. Шаҳар прокурорининг қарори асосида Б.Умаровга нисбатан Жиноят кодексининг 135-моддаси 2-қисми "б" банди билан жиноят иши қўзғатилган.

2009 йилда мазкур қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган текшириш натижаларига кўра, қонунбузарликларни бартараф этиш ҳақида 12 та тақдимнома киритилиб, 14 нафар мансабдор шахс маъмурий, 14 нафари интизомий жавобгарликка тортилди, 12 нафари огоҳлантирилди, жиддий қонунбузарликлар юзасидан 2 та жиноят иши қўзғатилган.

Соҳавий йўналишда ўтказилган назорат тадбирлари айрим ҳудудий бандликка кўмаклашувчи марказлар томонидан иш сўраб мурожаат қилган шахсларни қайта ҳунар ўрганишга ўқитиш, жамоат ишларига юбориш ишлари тўғри йўлга қўйилмаганлиги, ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлар талон-торож қилинганлигини кўрсатмоқда.

Зеро, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга сафарбар этилган кучларнинг имкониятлари етарли. Қонунни бузган ҳеч бир шахс жазодан қутулиб қололмайди!

**Кундан кунга обод бўлиб бораётган шаҳар ва қишлоқлар, ишга туширилган янги корхоналар, замонавий лицей ва коллежлар, магистрал йўллар, боғ ва хиёбонлар, энг муҳими, одамларнинг эртанги кунга муносабати ўзгараётгани ҳеч шубҳасиз, мустақиллигимизнинг самараси дейиш мумкин. Бундай ишлар айниқса "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" давлат Дастури доирасида янада кенг кўламда давом эттирилмоқда. Дастурга асосан қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий ва молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, имтиёзлар яратиш, қишлоқдаги тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя қилиш, чорвачиликни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда.**

# *ГЎЗАЛЛАШАЁТГАН ЮРТИМ*

Туманда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили давлат Дастури" юзасидан туман ҳокимининг қарорига асосан режа ишлаб чиқилган. Дастурнинг молиявий режаси 15 млрд. 794 млн. сўмни ташкил қилади.

Жорий йилнинг 5 ойи давомида дастур ижросини таъминлаш бўйича 5 млрд. 400 млн. сўм маблағ сарфланди. Жумладан, Имомота сув иншооти қурилиши якунланиб, фойдаланишга топширилди. Унга 840 млн. сўм, ҳомийлар ҳисобидан эса 26 млн. сўм маблағ сарфланиб, 700 га экин майдони ва 3100 нафар фуқаро хонадони сув билан таъминланди. «Узун кўча», «Бешкарам», «Қурама», «Кўтарма» маҳаллаларида ички йўлларни таъмирлаш ишлари бажарилди. Жорий йилнинг 1-чорагида аҳоли ва ҳомийлар (12,5 млн. сўм) маблағлари эвазига 1,5 км ичимлик суви тармоғи тортилди ҳамда 60 млн. сўм давлат маблағи ҳисобига «Олтин водий» ҚФЙ ҳудудидаги «Гулистон» маҳалласида 1 та артизан қудуқ кавланиб, ишга туширилди.

Қишлоқ аҳолисини табиий газ билан таъминлаш ва электр энергияси таъминотини тубдан яхшилаш мақсадида вилоят "Водийгазтаъминот" унитар корхонаси ва "Ўзтрансгаз" акциядорлик компаниясининг 116 млн. сўм маблағи ҳисобига туманда Хўжаобод газтаъминот корхонаси томонидан 2,8 км табиий газ тармоғи тортилди. Бундан ташқари аҳоли пунктларида 2,3 км табиий газ тармоқлари (45 млн. сўм эвазига) ҳомий тадбиркор ва аҳоли маблағлари ҳисобидан газлаштирилди.

Туман электр тармоқлари корхонаси томонидан жорий йилнинг 5 ойи давомида "Имом ота" ҳудудига янги трансформатор ўрнатилди. Бундан ташқари Хўжаобод шаҳридаги «Гулистон» ва «Баҳрин» МФЙлардаги трансформаторлар алмаштирилди. «Эгамбердиобод» ва «Андижон» маҳаллалари кўчаларига янги электр сим тармоқлари тортилди.

Давлат дастурига асосан жорий йилда туманда давлат маблағлари ҳисобига 1 млрд, 71 млн. сўмлик лойиҳа қийматига эга 16- ва 26-мактаблар қайта қурилиб, реконструкция қилинмоқда. 24-, 18- ва 32-мактаблар эса мукаммал таъмирланди. Хўжаобод шаҳар марказидаги мусиқага ихтисослаштирилган мактаб қайта таъмирланиб, 150 ўринли янги концерт залининг қурилиши охирига етказилмоқда.

Туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда бу борадаги ишларни амалга оширишда лоқайдлик ва сусткашликка йўл қўйилаётганлиги ҳам аниқланди. "Қамбар ота" сув ҳавзасини капитал реконструкция қилиш ва 4,75 км узунликда тоза ичимлик суви тармоғи қурилишини амалга ошириш бўйича ҳеч қандай ишлар амалга оширилмаган.

Хўжаобод туманида тоза ичимлик суви таъминоти оғир бўлган «Манак» ҚФЙда 32262 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан 24 минг аҳоли "Қамбар ота" булоғидан келадиган тоза ичимлик сувидан фойдаланади. Мазкур ичимлик суви иншоотининг ер майдони махсус тўсиқлар билан ўралиб, ҳимояланмаган. Иншоотда санитария назорат пости ташкил этилмаганлиги сабабли сув тўпланиб, майдон қаровсиз ҳолга келиб қолган. Туман ҳокимлиги томонидан 2004 йилда таъмирлаш учун 414 млн. сўмлик, 2008 йилда эса қайта ҳисобланиб, 665 млн. сўмлик лойиҳа ҳужжатлари тайёрланган бўлса-да, маблағ йўқлиги учун текшириш кунига қадар таъмирлаш ишлари олиб борилмаган.

Хўжаобод шаҳрининг "Бешкарам", "Навоий" МФЙ ҳудудидаги ичимлик сувини тўплаш ва тарқатиш иншоотлари ҳам мукаммал таъмирга муҳтож. Сув жўнатиш ва тозалаш қурилмалари эскириб, тўла қувват билан ишламаётганлиги сабабли айрим кўп қаватли уйларга ичимлик суви етказиб беришда бир қатор муаммолар келиб чиқмоқда.

Ўтказилган текшириш якуни бўйича аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан туман ҳокимлиги, электр тармоқлари ва газ корхонаси раҳбарлари номига тақдимнома киритилди. "Қамбар ота" сув ҳавзаси участка бошлиғига нисбатан МЖтКнинг 53-моддаси билан маъмурий жавобгарликка доир иш қўзғатилди. Йўл қўйилган камчиликлар прокуратура аралашуви билан бартараф этилди.

**Акрамжон МАМАДАЛИЕВ,**
**Хўжаобод туман прокурори**

# ҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТГА КЎМАКДОШМИЗ

**Вилоят ҳудудида яширин ишлаб чиқаришга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, солиқ базасини кенгайтириш, ноқонуний нақд пул айланмаларининг олдини олиш ҳамда иш ўринларини кўпайтириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 19 та микрофирма, кичик корхоналар ва якка тартибдаги тадбиркорлар рўйхатга олинди. Улар томонидан 74 та қўшимча иш ўринлари ташкил этилди.**

Андижон тумани бўлими ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбир натижасида Андижон шаҳридан Умиджон Исақов белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан, ўзбошимчалик билан ноқонуний равишда цех ташкил қилиб, нон ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиб келганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан бўлим ходимлари томонидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари бошқа мақсадли жамғармаларга тўлиқ тушириш, солиқ солиш базасини кенгайтириш, янги иш жойларини ташкил қилиш мақсадида ўтказилган профилактик, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳамда кўрсатилган амалий ёрдам натижасида ушбу яширин цех "Нурли дарё туҳфаси" хусусий корхонаси сифатида давлат рўйхатига олинди. Цехда фаолият кўрсатаётган 5 нафар ходим буйруқ асосида корхонага ишчи сифатида қабул қилиниб, ҳар бири ойлик маош билан таъминланди.

Бундан ташқари, янги ташкил этилган "Нурли дарё туҳфаси" хусусий корхонаси ҳамда электр-энергия таъминоти корхоналари ўртасида шартномалар расмийлаштирилиб, электр энергиясидан қонуний фойдаланилиши таъминланди. Натижада бир йилда бюджетга 6745,0 минг сўм солиқ ва мажбурий тўловлар, 72000,0 минг сўмлик ишлаб чиқарилган маҳсулот савдосидан тушган нақд пуллар банк муассасасига ва 2400,0 минг сўмлик маблағлар электр тармоқлари корхонасига тўланиши таъминланди.

Хўжаобод шаҳри Бахрин кўчаси 31-уйда яшовчи фуқаро Дилшод Абдувалиев якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, ўзининг трикотаж тикув цехида 3 нафар ишчиларни ёллаб, фаолият кўрсатиб келган.

Солиқ қонунчилигига риоя этилиши, солиқ базасини кенгайтириш юзасидан олиб борилган тарғибот-ташвиқот тадбирлари натижасида якка тартибдаги тадбиркор Д.Абдувалиевнинг фаолияти қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштирилиб, ўзининг таъсисчилигида "SARBON HAMKOR TEXTIL" хусусий фирмасининг давлат рўйхатидан ўтказилди.

Бунинг натижасида "SARBON HAMKOR TEXTIL"" хусусий фирма раҳбари Д.Абдувалиев Хўжаобод туман ДСИдан 2009 йилда белгиланган тартибда ягона солиқ тўловчиси сифатида қайд этилди.

Департамент Хўжаобод туман бўлими ходимлари кўмаклашувида ишлаб чиқаришни ривожлантириш дастурига мувофиқ Халқ банки туман бўлимидан 2 йил муддатга 7,0 млн. сўм кредит маблағлари ажратиш масаласи ижобий ҳал этилди.

Ўтказилган тарғибот тадбирлари натижасида "SARBON HAMKOR TEXTIL" хусусий фирмаси раҳбари Д.Абдувалиев янги иш ўринларини яратиб, доимий тарзда 4 нафар ва касаначилик асосида 3 нафар ишчини иш билан таъминлади.

Бошқарма ва Избоскан туман бўлими ходимлари томонидан Избоскан туман Пойтуғ шаҳар Амир Темур маҳалла фуқаролар йиғини гузарида фуқаро Феруза Ғайббердиеванинг қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни тайёрлашни ўргатиш бўйича ташкил этган фаолияти ўрганилди. Ғайббердиева 4 нафар ишчилари билан қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келаётганлиги аниқланди. Олиб борилган тарғибот ва тушунтириш ишлари натижасида у қонун талаблари асосида "Беллона стил" хусусий корхонаси ташкил этиб, 4 нафар ишчини доимий иш билан таъминлади ва уларга ойлик маош белгиланди.

**Эркинжон ҲОЛМАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Андижон вилоят бошқармаси бошлиғи**

# «ЮТУҚЛАРДА ҲИССАМИЗ БОР»,

## дейди Улуғнор туман прокурори Рустамжон ҲОМИДОВ

Қишлоқ хўжалиги соҳаси Улуғнор туман иқтисодиётининг асосий тармоғи ҳисобланади. Мустақиллик шарофати туфайли қишлоқ хўжалиги фойдаланувида бўлган ер майдонларининг хусусий мулкдорлар ихтиёрига берилиши қисқа муддатда ўз самарасини берди. Янги қишлоқ мулкдорлари ҳисобланган фермерлар мамлакатимизда яратилган қулай ижтимоий-ҳуқуқий шарт-шароит натижасида қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш йўлига кирдилар. Ҳосилдорлик йил сайин ортиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалигида дастлабки ҳосил пилла ҳисобланади. Улуғнорликлар "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да марradan ўзишди. Меҳнат ютуғига Мирзааҳмедов номли, "Улуғнор", "Шаҳрихон", "Гулистон" массивларидаги фермер хўжаликлари пиллакорларининг қўшган ҳиссалари баракали бўлди. "Салмоқли қадам" фермер хўжалиги туманда биринчи бўлиб пилла сотиш шартномавий режасини уддалади. "Улуғнор дилхумори сари" пиллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги пиллакори Ҳадичахон Назарова етиштирган пилла хирмони 1002 килограммни ташкил қилди. Муродилло Йигиталиев раҳбарлик қилаётган "Йигиталиевлар оиласи" фермер хўжалиги 315 килограмм пилла топширдилар.

Ҳар бир меҳнатнинг ва мавсумнинг ўз сарҳисоби бор. Ўтган йили туманимизда давлатга буғдой топшириш шартномавий режаси бажарилмаган эди. Шу боис, куздан астойдил ҳаракат бошланди. Туман бўйича 5 минг 437 гектар майдонга "Чиллаки", "Супер элита", "Крошка", "Пловчанка", "Краснодар-99" каби буғдой навлари сифатли экилди. Буғдой текис ундирилгани, парвариши вақтида амалга оширилгани туфайли бўлиқ ҳосил яратилди. Ҳудудлардаги сув насослари унумли ишлаши билан ғаллазорлар яшнади. Буғдой бошоқлари салмоқли етилди. Ҳосил баракасидан ҳамма хурсанд. Эзгу ният билан сидқидилдан қилинган меҳнат самарасининг қувончи чексиз.

Туманда 2009 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини қисқа муддатларда сифатли қилиб йиғиштириб олиш ва давлат ресурсларига ғалла сотиш бўйича контрактация шартномаларини бажариш ҳамда вилоят ҳокимининг "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 майдаги 1111-сонли қарори тўғрисида"ги қарори бажарилишини таъминлаш мақсадида туман ҳокимининг шу мазмундаги қарори қабул қилиниб, 16 та дон ўриш комбайнлари тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, шай ҳолатга келтирилди. Бунинг учун "Андижонавтотехмаркази"дан 32 млн 344 минг сўмлик, Тошкент вилояти Чиноз туманидги "Пахтабаза"дан 30 млн.695 минг сўмлик, Қўрғонтепа шўъба корхонасидан 14 млн 73 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар олиб келиниб, таъмирдан чиқарилди.

Шуниси қувонарлики, 12 та "Кейс"дан 1 таси "Мамажонбува" фермер хўжалиги ва 4 та "Класс" русумли комбайнларни "Дилшод", "Эъзоз", "Олтин чаноқ", "Жўрабек" фермер хўжаликлари сотиб олиши учун "Агробанк"-нинг туман бўлими томонидан узоқ муддатли кредитлар ажратиб берилган.

Ҳа, бугун қишлоқ мулкдори учун ҳукуматимиз томонидан қатор имтиёз ва шароитлар яратиб берилмоқда. Шундай имтиёзлардан яна бири солиқ соҳасидаги имтиёзлардир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармойишига асосан "Жасурбек-4", "Улуғнор баракаси", "Ишонч" ва "Ҳамкор-стар" фермер хўжаликлари назорат қилувчи органларни мувофиқлаштирувчи кенгашининг қарорига асосан 2009 йил учун тасдиқланган текширишлар режасидан чиқарилган. Бундан ташқари Солиқ кодексининг 367-моддасига асосан 10 та фермер хўжалигига ягона ер солиғидан икки йил муддатга имтиёз берилган.



Мана икки йилдирки, йиғим-терим чоғида отряд усулида иш олиб бориш ҳар томонлама қулайлиги, самарали ва афзаллиги билан ўзини оқлаб келмоқда. Бу йил ўрим-йиғим мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш учун туманда 7 та отряд шакллантирилди. Ҳар бир отрядга тумандаги тажрибали ва етук билимга эга бўлган ходимлардан раҳбарлар тайинланиб, уларга мавсум давомида бажариши керак бўлган вазифалари уқтириб ўтилди. Дон ўрими-йиғимида қатнашаётганларнинг ҳар бири масъулият ва фидойилик билан ишласа ҳосил хирмони ортади. Тартиб-интизом, уюшқоқлик кутилган натижани таъминлайди.

Халқ ризқ-рўзи бўлган буғдойни ташишда автотранспорт ҳайдовчиларидан исрофгарчиликка йўл қўймаслик талаб этилди. Бир буғдой донасини ҳам тўкмай омборга етказиш уларнинг зиммасига юклатилди. Отрядлар аъзоларига қулай шароитлар яратилди. Албатта, яратилган шароит юқори меҳнат унумига эришишнинг кафолатидир. Натижа ёмон бўлмади. Улуғнорлик ғаллакорлар бу йил вилоятда биринчилардан бўлиб шартномавий режаларини бажардилар.

Сўзимизнинг бошида айтганимиздек, аграр соҳа асосий тармоқ. Унинг юксалиши туманнинг юксалишидан далолатдир. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, мутахассислар, соҳа фидойилари билан бирга ислоҳотларнинг жадал амалга оширилишида улуш қўшади.

**Суратда: Улуғнор туман прокурори Р.Ҳомидов "Эъзоз" фермер хўжалиги раҳбари У.Сулаймонов билан бирга ғалла ўримини назорат қилмоқда.**

Саҳифа материалларини Махпурат ОРТИҚОВА тайёрлади




## Саҳифамизда Қашқадарё вилоят прокуратураси органлари



# ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ

## ЁХУД УНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ЎЗБЕК МОДЕЛИНИНГ АҲАМИЯТИ

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

"Халқ сўзи" газетасининг 2009 йил 15 апрель сонида чоп этилган "Жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсири ва унга қарши курашиш чора-тадбирлари хусусида" сарлавҳали мақолада қайд этилишича, 2008 йилда АҚШ ташқи қарзининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоғи қарийб 90 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Россияда 37 фоизга, Қозоғистонда 102, Украинада 64 ва Қирғизистонда 81 фоизга тўғри келганлиги, бу борада Ўзбекистон Республикасида тескари тенденциянинг кузатилиши, амалга оширилган оқилона сиёсат натижасида ташқи қарзларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши атиги 13,3 фоизни ташкил қилганлиги баён этилган. Демак, режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар учун ўзбек моделида ўрганишга лойиқ жиҳатлар етарли.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида дунёда юз бераётган молиявий ва иқтисодий инқироз Ўзбекистон иқтисодиётига қай даражада таъсир кўрсатади, деган саволга ҳар томонлама аниқ-равшан жавоб берди:

-мамлакатимизда иқтисолий ислоҳотларни ўтказишда узоқ ва давомли миллий манфаатларимиз кўзда тутилиб, "шок терапияси"ни четдан туриб киритишга уринишлардан ва бозор иқтисодиёти ўзини-ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечилди;

-ислоҳотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўли танланди;

-пароканладик ва бошбошдоқлик таъсирига тушиб қолмаслик учун ўтиш даврида давлат зиммасига бош ислоҳотчи масъулияти юклатилди.

Анжуманда истиқлолнинг биринчи кунлариданоқ юртимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш, юзага келиши мумкин бўлган кескин муаммоларни ечишда танланган бошқарув усуллари ва ёндашув тўлиқ ўзини оқлаганини қайд этиб, Юртбошимиз шундай деди: "Биз танлаган тараққиёт модели, мамлакатни ислоҳ этиш, модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, иқтисодиётни диверсификация қилиш бўйича амалга оширилаётган пухта ўйланган сиёсат бугунги кунда ўз самарасини бермоқда, деб айтишга барча асосларимиз бор ва бу сиёсат юртимизни турли салбий жараёнлар ва инқирозлар таъсиридан сақлайдиган мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилади". Шунингдек, маърузада мамлакатимиз иқтисодиёти, жумладан, унинг реал сектори, корхоналари ва тармоқларининг барқарор ва узлуксиз ишлашини таъминлаш учун мустаҳкам заҳиралар яратилгани, зарур ресурслар мавжуд эканига атрофлича тўхталиб ўтилди.

Жаҳон молиявий инқирози муносабати билан Халқаро валюта жамғармаси вакиллари деярли барча давлатларга бориб, улардаги ҳақиқий иқтисодий вазиятни ўрганди ва тегишли мамлакатлар ҳукуматлари билан биргаликда баёнотлар берди. Бунинг сабаби иккита. Биринчидан, ушбу молиявий муассаса дунёдаги иқтисодий қудратли давлатлар, турли иқтисодий-молиявий тузилмалар каби ҳозирги инқироздан чиқиб олиш, унинг глобал иқтисодий инқирозга айланиб кетмаслиги учун зарур чоралар кўриш ҳаракатида. Чунки бундан унинг ўзи ҳам манфаатдор - аввало, ривожланаётган мамлакатларга берган қарзини қайтариб олиши, иложи бўлса, фойдаси билан қайтариб олиши керак. Иккинчидан, Халқаро валюта жамғармаси содир бўлган инқироз учун, юқорида айтилган сабабларга кўра, маълум даражада ўзини жавобгар деб ҳисоблаши лозим.

Мазкур ташкилот вакиллари 2008 йил 19 декабрда Ўзбекистонда бўлиб, мамлакатимиз ҳукумати билан биргаликда қўшма баёнот берди. Унда бутун дунёда мураккаб инқироз жараёни кечаётганига қарамай, Ўзбекистон иқтисодиётида ўсиш суръатлари сақланиб қолаётганига холис баҳо берилди ва қуйидаги фикрлар алоҳида таъкидланди: "... расмий идоралар томонидан ички талабни рағбатлантириш мақсадида кенг қамровли иқтисодий сиёсатнинг амалга оширилиши, хусусан, кенг кўламли солиқ-бюджет сиёсати ва пухта ўйланган пул-кредит сиёсати натижасида 2009 йилда иқтисодий ўсиш бироз пасайса-да, иқтисодий ривожланиш истиқболларининг ижобийлиги, савдо ва тўлов балансининг ижобий сальдоси ва бюджет процифити сақланиб қолади".

Айтиш мумкинки, бу фикрлар мамлакатимизда ҳар томонлама пухта ўйлаб амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг, жамиятни ислоҳ қилиш бўйича биз танлаган ўзбек модели қанчалик тўғри эканининг халқаро миқёсдаги яна бир амалий эътирофидир. Шу жиҳатдан қараганда, инқирозларнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва уларни бартараф этишга йўналтирилган чоралар асосида республикамизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат нечоғли тўғрилиги аён бўлади.

Зеро, Президентимиз Ислом Каримов "Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли" номли асарида давлат қурилиши ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича белгилаб берган ва амалиётга изчил татбиқ этилаётган бешта тамойил, яъни иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши, давлат бош ислоҳотчи бўлиши, қонун устуворлиги, бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши ҳамда бозор иқтисодиёти объектив иқтисодий қонунлар талабларини ҳисобга олган ҳолда пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши кераклиги мамлакатимизни иқтисодий инқирозлардан сақлаш ва бошқа давлатларга тобе бўлмасликнинг мустаҳкам кафолатидир.

2008 йил 28 ноябрда Президентимиз томонидан "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида" Фармон қабул қилинди. Унда жаҳон молия-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, экспортни амалга оширувчи корхоналарга айланма маблағларни тўлдириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш, материаллар ва энергия сарфини ҳамда бошқа харажатларни камайтириш ҳисобига маҳсулот таннархини камида 20 фоизга арзонлаштириш, электр энергияси ва асосий коммунал хизматлар нархларининг ўсиш даражаси 6-8 фоиздан ошиб кетишига йўл қўймаслик ва бошқа қатор тадбирларнинг амалга оширилиши қайд этилди.

Ушбу Фармоннинг ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан бир қатор қарорлар қабул қилиниб, 2009-2011 йилларда нозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, Дастурга киритилган корхоналарни фойда солиғидан, мулк ва ягона солиқ тўловлари, Республика Йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этиш ва бошқа қатор имтиёзлар белгиланди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий оқибатларини бартараф этишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган қонунчилик талабларининг барча мутасадди идоралар томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояси, қайд этилган Фармон ва қарорларнинг ижросини таъминлаш биз прокуратура ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Қабул қилинган Фармон ва қарорларда аҳолининг ижтимоий ҳимоясига оид қонунчиликнинг оғишмай ижро этилиши, айниқса, касаначиликни ва кичик бизнесни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиб, аҳоли бандлигини таъминлаш, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг тўланишига эътибор қаратиш, бу ҳақдаги қонун талабларини бузган шахсларга нисбатан кескин чоралар кўриш талаб қилинади.

Шунингдек, муддати ўтган дебитор ва кредитор қарздорликни бартараф этиш, шу жумладан, коммунал-хўжалик ва энергетика соҳасидаги тўловларнинг истеъмолчилар томонидан ўз вақтида тўланиши, экспорт қилувчи корхоналарнинг барқарорлигини ошириш мақсадида тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитларнинг монеликсиз берилишини таъминлаш ҳамда берилган кредит маблағларининг мақсадли ишлатилиши устидан назоратни кучайтириш лозим.

Айтилганлардан хулоса шуки, Ўзбекистонда истиқлолга эришилгандан буён амалга оширилаётган ислоҳотлар ва тарихий ўзгаришларнинг асосий мақсади - халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидан изчил боришини таъминлаш, ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти имкониятларидан аҳолини кенгроқ баҳраманд этиш, ватандошларимизнинг ҳаёти, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинлигини тўла кафолатлаш ҳамда мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада оширишдан иборат. Бу ҳақиқатни юртимизда, ҳаётимизнинг барча соҳаларида кечаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳам тасдиқлаб турибди. Вазифа ана шу ислоҳотларни янада чуқурлаштиришдан иборат. Ҳар биримиз ўзимизнинг ҳалол ва фидокорона меҳнатимиз билан мустақилликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшишимиз лозим.

# ИМКОНИЯТЛАР

**Бутунжаҳон молиявий-иқтисодий инқироз таъсирига тушиб қолган бир пайтда солиқ, валюта соҳасидаги жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни янада кучайтириш талаб этилади. Шу боис, бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимлари бу соҳадаги қонунбузарликларни бартараф этишга аввалгидан ҳам масъулиятлироқ тарзда ёндашмоқдалар. Жорий йилнинг ўтган даврида 167 та жиноят ва 10 та маъмурий иш қўзғатилиб, ҳуқуқбузарлардан 157857 млн. сўмлик товарлар олиб қўйилди.**

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини фош этиш борасида олиб борилган тезкор таҳлилий ва қидирув ишлари натижасида 48 та жиноят иши қўзғатилиб, давлат бюджетига 5,73 млрд. сўм миқдорида қўшимча маблағлар ҳисобланиб, унинг 2,75 млрд. сўми давлат бюджетига ундирилди.

Хусусан, бошқарма ходимлари томонидан "Қишлоқхўжаликкимё" АЖ Косон тумани филиалида ўтказилган текширишда филиалнинг 2008 йилги фаолияти юзасидан туман ДСИга тақдим этилган ҳисоботларда маҳсулотлар сотишдан тушган соф тушум 26, 895 млн. сўмга камайтириб кўрсатилганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Косон тумани бўлими томонидан "Қишлоқхўжаликкимё" АЖ Косон тумани филиали бош ҳисобчиси Н.Ҳасанов ва бошқа мансаблор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган. Филиалда ўтказилган ҳужжатли тафтиш давомида 133,6 млн. сўм миқдорида қўшимча солиқ ва молиявий жарималар ҳисобланиб, тўлиғича ундириб олинган.

Бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан Департамент органларининг асосий вазифаларидан бири бўлган жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатлари ҳам фош этилган.

Жумладан, "Ғузор таъмир қурилиш сервис" хусусий корхонасида ўтказилган текшириш материали ўрганилганда, корхона мансабдор шахслари 525,5 млн. сўмлик харидоргир маҳсулотларни нақд пулга сотиб, нақд пулни банкка топширмасдан савдо қоидаларини қўпол равишда бузганлиги аниқланган.

Корхонанинг солиқ ва мажбурий тўловлардан 48,3 млн. сўм боқиманда қарзи бўлса-да, унинг таъсисчиси Д.Йўлдошев бюджетта умуман солиқ ва бошқа тўловларни тўламаган. У тумандаги "Ал-Азиз Баракат плюс" хусусий фирмасининг устав фондини шакллантириш учун 20 млн. сўм, Касби туманида "Кнsession-матрос" хусусий фирмасини таъсис этиб, ушбу фирманинг устав фондини шакллантириш учун "Ғузор таъмир қурилиш сервис" ҳисоб-рақамидан 100 млн. сўм пул маблағи кўчириб, жиноий фаолиятдан олинган даромадларини легаллаштирган.

# ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДАГИ СОҲА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони аграр тармоқда ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлигини оширишда муҳим дастуриламал бўлиб келмоқда. Мазкур ҳужжат талаблари асосида мунтазам иш олиб борилиб, қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлашга ва хўжалик юритувчи субъектларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялашга катта аҳамият берилмоқда.

Ўтган йили туман прокуратураси томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси юзасидан 44 та текшириш ўтказилиб, натижаларига кўра 1 та протест, 40 та тақдимнома киритилди, 805 та огоҳлантирув чораси қўлланилди, 74 та интизомий, 223 та маъмурий ишлар қўзғатилди. Етказилган 1142,0 минг сўм миқдоридаги зарарлар ихтиёрий қопланди. Фуқаролик ишлари бўйича судларга 19556,0 минг сўмлик 112 та даъво аризалари киритилди. Аниқланган қўпол қонунбузилишлар юзасидан 7 та жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Масалан, туман ҳокимлиги, туман ер ресурслари ва давлат кадастри ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари масъул мансабдор шахсларининг масъулиятсизлиги қимматга тушди. 34 та фермер хўжалиги ҳамда туман МТП ДАЖ томонидан жами 407,4 гектар майдонга бошоқли дон экинларини экиб, давлатга 973,4 тонна дон сотиш юзасидан контрактация шартномаси тузилган эди. Масъулиятсизлик шу даражага етиб борганки, шартнома шартларига амал қилинмасдан белгиланган майдонларга ғалла экилмасдан қолган.

Шунингдек, "Ипак йўли" ММТП ҳудудидаги "Авазбобо ўғли Шомурод" фермер хўжалиги 16 гектар, "Холиқбобо набираси Суннат" фермер хўжалиги 10,5 гектар ерга чигит экмаган бўлса-да, ўтказилган мониторинг ҳужжатларида мазкур фермер хўжаликлари далаларида чигит униб чиққанлиги кўрсатилган. Бундай кўзбўямачилик иқтисодий жиҳатдан қанчалик зарар келтиришини тушуниш қийин эмас.

Мазкур ҳолат юзасидан туман ҳокимлиги, туман ер ресурслари ва давлат кадастри ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларининг мансабдор шахсларига ва бошқаларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди ва мазкур иш бўйича туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Н.Тўйчиев ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Г.Рўзимуродовлар қонунга мувофиқ жазога тортилди.

Қишлоқ хўжалигига оид қонунлар ижросини таъминлаш соҳасида жорий йилнинг ўтган ойлари давомида ўтказилган текширишларда ҳам бир қатор қонунбузарликларга барҳам берилди. Жумладан, тумандаги "Ипак йўли" ёнилғи тарқатиш шоҳобчаси бош тақсимловчиси вазифасида ишлаган Ф.Омонов фермер хўжаликларига тегишли бўлган жами 7631 ёнилғини талон-торож қилганлиги аниқланди. Унинг устидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов даврида жами 12780,4 минг сўм миқдоридаги етказилган зарар ундирилди, жиноят иши эса айблов хулосаси билан судга юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 4 сентябрдаги "2009 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинларини экиш, навларини жойлаштириш ва харид қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан ўтказилган текширишда бошоқли дон экилган айрим майдонлардаги ўсимликлар занг касаллигига чалинганлиги, бегона ўтлар босганлиги каби ҳолатлар аниқланди. Бу ишга масъул агрономлар ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганликлари учун уларга нисбатан интизомий жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Умуман айтганда ер, сув, техникадан фойдаланиш, экинларни экиш ва парваришлаш, агротехника қоидаларига риоя этиш, ҳосилни йиғиб-териб олиш масалалари туман прокуратурасининг доимий эътиборида турибди.

**Тоғмурод МУРОДОВ,**
**Қарши туман прокурори**



# МУВОЗАНАТ БУЗИЛМАСИН

**Ер юзидаги жамики тирик жон учун ўрмон ва бошқа ўсимликлар дунёси ҳаёт-мамот масаласи эканлигини мактаб ўқувчиси ҳам яхши билади. Негаки, ҳаёт учун энг бирламчи зарурат бўлмиш ҳаво билан сув ўрмонсиз ҳосил бўлмайди. Биз нафас оладиган кислород дарахтларнинг ям-яшил баргларида "туғилади". Демак, ўрмонлар, энг аввало, мусаффо ҳаво манбаи. Иккинчидан, қалин ўрмонлар бўлмаса, осмондан ёққан қор қиш бўйи Она замин бағрини оппоқ кўрпага, баҳорги ёмғирлар эса кўм-кўк майсага ўраб ётмайди. Демакки, ўрмонлар бўлмаса, сизу бизни оби ҳаёт билан таъмин этувчи минглаб чашмалар кўз очмайди. Чашмалар кўз очмаса сойлар ҳам, дарёлар ҳам сувсиз қолади. Учинчидан, ўрмон инсониятга ҳам бошпана, ҳам уни боқувчи ноз-неъматлар етиштириб беради. Кўраяпсизми, жамики тириклик манбаи бўлган Она табиат қонунлари ўзаро мувозанат занжирлари орқали бир-бири билан нақадар мустаҳкам боғланиб турибди. Бу мувозанатни бузиш, унинг қонуниятлари сирини англамаслик инсон фарзандини ҳалокат ёқасига етаклайди. Афсуски, айрим юртдошларимиз буни англаб етмаяптилар ёки англашни истамаяптилар.**

Китоб туман прокуратурасига тумандаги "Башир" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида кўп йиллик чинор дарахтларининг ноқонуний равишда кесилганлиги тўғрисида маълумот келиб тушди. Ушбу маълумотномада ҳудуддан оқиб ўтувчи Қашқадарё дарёси муҳофаза зонасида ўсиб турган кўп йиллик ноёб дарахтлар турига киритилган чинор дарахтлари хўжасизларча кесиб кетилгани, дарё муҳофаза зонаси ҳисобланган ҳудудлар ўзбошимчалик билан эгаллаб олингани кўрсатилган. Дов-дарахтлар тегишли томорқа эгаларига хатлаб берилмаганлиги оқибатида дарахтларни номаълум шахслар кесиб олиб кетаётганлиги, уларни аниқлаб тегишли чора кўриш лозимлиги қайд этилган.

Таҳлил жараёнида "Башир" қишлоғида яшовчи фуқаро Ғ.Ҳайитов Қашқадарё дарёси муҳофаза зонасидан 15 сотих ер майдонини ноқонуний эгаллаб олиб, 2 туп чинор дарахтини ўзбошимчалик билан кесиб, ўсимлик дунёсига 302 минг 832 сўмлик зарар етказганлиги аниқланди. Шу қишлоқда яшовчи фуқаро У.Раҳимов 1 туп чинорни кесиб 235 минг 536 сўмлик зарар етказган.

Фуқаро Ш.Муродов эса 2 туп чинорни кесиб, ҳар бирини 4 метр узунликда 6 та бўлакка ажратиб уйи олдида ошкора тахлаб қўйган. Унинг бу ўзбошимчалиги оқибатида ўсимлик дунёсига 474 минг 72 сўмлик зарар етган.

"Башир" қишлоғида яшовчи Д.Холов муҳофаза зонасидан 10 сотих ер майдонини ноқонуний эгаллаб олиб, 1 дона чинор дарахтини кесиб, ўтин сифатида фойдаланган. Бунинг оқибатида эса 325 минг 264 сўмлик зарар етказилган.

О.Турсунов ҳам 10 сотих ер майдонини ноқонуний эгаллаб, 1 туп чинор дарахтини кесиб, ўтин сифатида ёқиб юборган.

Фуқаролар Э.Одинаев ва Б.Эсановлар ҳам қишлоқдошларидан "ўрнак" олишиб, 1 тадан чинор дарахтларини кесиб, ўсимлик дунёсига зарар етказишган.

Бу ҳали ҳолва экан. Шу қишлоқда яшовчи Қ.Шеров муҳофаза зонасидан 12 сотих ер майдонини ноқонуний эгаллаб олгани етмагандек, дарё муҳофаза зонасидан 5 та чинор дарахтини ўзбошимчалик билан кесиб, ўсимлик дунёсига 2 млн. 355 минг 360 сўмлик зарар етказган.

Таҳлил натижаси бўйича фуқаролар Ш.Муродов, У.Раҳимов, Э.Одинаев, Қ.Ҳайитов, Д.Холов, О.Турсунов, Қ.Шеров ва Б.Эсановларга нисбатан маъмурий жавобгарликка доир иш қўзғатиш ва ўсимлик дунёсига етказилган жами 4 млн. 172 минг 548 сўмлик зарарларни ундириш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Шаҳрисабз туманлараро судига ариза киритилди.

Қуръони каримнинг "Фурқон" сурасида "Аллоҳ ҳамма нарсани яратди ва ўлчовини мукаммал қилди" (2-оят) дейилади. Биосферадаги ҳар бир нарса — сув, тупроқ, ҳаво, тоғ, ҳайвонот, наботот ва кичик жонзотлар муайян ўлчов билан боғлиқ, мутаносиб ҳолда яратилган. Шундай экан, табиатнинг бизга инъом этилган бебаҳо бойлигини асраб-авайлайлик ва ҳайвонот ҳамда наботот дунёсини келажак авлодларга бешикаст етказайлик.

**Баҳодир ЭРКАЕВ,**
**Китоб туман прокурори.**
**Норбўта ҒОЗИЕВ,**
**журналист**

# БИРЛАШГАНДА

Мазкур ҳолат юзасидан хусусий корхона бошлиғи Й.Давлатов, бош ҳисобчиси Ш.Дўсмирзаев, Ғузор тумани солиқ инспекцияси бош инспектори Б.Исматов ва "Микрокредитбанк" Янги Нишон филиали мансабдор шахсларига нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилган.

Валютага оид жиноятларга қарши курашишни таъминлаш борасида олиб борилган тезкор тадбирларда 16 та ҳолатда қонунбузарликлар аниқланиб, 13 та жиноят ва 3 та маъмурий иш қўзғатилган ҳамда ҳуқуқбузарлардан 12700 АҚШ доллари, 22 дона тилла танга ҳамда 24, 2 млн. Ўзбекистон сўми олиб қўйилган.

Жумладан, жорий йилнинг 10 февралида бошқарма ходимлари Косон тумани ҳудудида ўтказган тадбирда фуқаро Х.Ҳамидов харидор Б.Бозоровга 22 дона 1899-1900 йилларда Россияда зарб этилган "Император Николай-II" тасвири туширилган 5 ва 10 рубль қийматидаги умумий оғирлиги 147 грамм тилла тангаларни 6 минг АҚШ доллари ва 2,1 млн. сўмга ноқонуний равишда сотаётган вақтида ушланиб, 22 дона тилла тангалар ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.

Мазкур ҳолат юзасидан 2009 йил 11 февраль куни фуқаро Худойқул Ҳамидовга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукми билан жазо тайинланган.

Яширин равишда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва муомалага киритилишининг олдини олиш борасидаги олиб борилган тадбирлар натижасида 26 та ҳолатда яширин цехлар фош этилиб, ҳуқуқбузарлардан 36,9 миллион сўмлик маҳсулотлар ва асбоб-ускуналар олиб қўйилган.

Хусусан, бошқарманинг Китоб тумани бўлими ходимлари туман ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказган тадбирда тумандаги Яккатут қишлоғида яшовчи фуқаро Ж.Раҳмонов ўз уйида қўлбола усулда пахтанинг чигитини ажратадиган ускуна ясаб, электр тармоқларидан яширинча фойдаланиб, пахта чигитлаб келаётганлиги аниқланди ва ундан 120 кг пахта толаси, 17 кг пахта хомашёси, 200 кг чигит ҳамда бошқа асбоб-ускуналар, жами 1420, 3 минг сўмлик ашёвий далиллар олинган.

Мазкур ҳолат юзасидан бошқарманинг Китоб туман бўлими 2009 йил 27 март куни фуқаро Ж.Раҳмонов ва бошқаларга нисбатан жиноят иши қўзғатиб, уларга нисбатан суд ҳукми билан жазо тайинланди.

Фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида 2 та ҳолатда таъмагирлик қилиш йўли билан пора олиш жинояти фош этилди.

Жумладан, тадбиркор У.Қаландаровнинг аризаси юзасидан 2009 йил 3 апрель куни бошқарма ва унинг Муборак тумани бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда Муборак тумани молия бўлими бош ҳисобчиси вазифасини бажарувчи А.Эшқувватов мансабдор шахс бўлгани ҳолда ўз хизмат вазифасидан фойдаланиб, фуқаро У.Қаландаров томонидан ташкил этилган "Муборактранс" МЧЖнинг солиқ тўловларидан ортиқча тўланган 2,1 млн. сўмини жамият ҳисоб-рақамига қайтариб ўтказиб бериш эвазига 70 минг сўмни пора сифатида олаётганида ушланиб, бошқарманинг Муборак тумани бўлими томонидан жорий йилнинг 3 апрелида фуқаро А.Эшқувватовга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига четдан ноқонуний товарларнинг олиб кирилиши юзасидан амалга оширилган тезкор тадбирлар натижасида 17 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 82,2 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар далилий ашё сифатида олиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 январдаги "Спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарори ижроси бўйича ўтказилган тадбирлар натижасида 11 та жиноят иши қўзғатилиб, ҳуқуқбузарлардан 10, 5 млн. сўмлик ноқонуний савдога чиқарилган алкоголли маҳсулотлар олиб қўйилган.

Жумладан, бошқарманинг Косон тумани бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда фуқаро Ш.Шарафиддинов қўлбола усулда тайёрланган, қалбаки акциз маркалари билан маркаланган, истеъмолга яроқсиз 267 донаароқни жами 867 минг сўмга сотаётганида ушланиб, алкоголли маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.

Мазкур ҳолат юзасидан бошқарманинг Косон тумани бўлими томонидан 2009 йил 19 май куни фуқаро Ш.Шарафиддиновга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Тадбиркорлик ҳалолликни ёқтиради. Ҳалолликни унутган раҳбар ва тадбиркорларнинг фаолияти қандай бўлиши эса юқорида келтирилган мисоллардан ҳам кўриниб турибди.

**Жума ҚАЮМОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК Департаменти Қашқадарё вилояти бошқармасининг бошлиғи**

**Саҳифа материалларини Норбўта ҒОЗИЕВ тайёрлади**

# ИНСОН ШАЪНИ МУҚАДДАС...

## уни асраш эса ўзимизга боғлиқ



Диний экстремизм, ақидапарастлик, одам савдоси... Ҳозирги даврнинг бу энг ўткир муаммолари давлат ва чегара танламаслиги маълум. Трансмиллий кўлам касб этган бу иллатлар бутун дунё ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётгани бежиз эмас. Масалан, одам савдоси жиноятини олиб кўрайлик. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили 2,7 миллион киши одам савдоси қурбонига айланмоқда. Ҳар йили 600 мингдан 800 минг нафаргача аёллар ва болалар алдов йўли билан чет элларга олиб кетилиб, сотиб юбориляпти. Одам савдоси жиноятларининг асосий жабрланувчилари аёллар ва болалар бўлаётгани эса бу трансмиллий жиноятнинг хавфлилик даражасини янада чуқурлаштирмоқда. Шу боис ҳам бутун дунё тараққийпарвар халқлари инсон шаъни, эрки, қадрини таҳқирловчи бу иллатга қарши бирдамлик билан курашмоқда.

БМТ раҳнамолигида одам савдосига қарши олиб борилаётган бу курашда бизнинг мустақил мамлакатимиз ҳам фаол иштирок этмоқда. Бу борада қилинган ва амалга оширилаётган ишларнинг ҳуқуқий асоси, энг аввало мамлакатимиз Конституцияси асосида Олий Мажлис томонидан 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган ва кучга кирган "Одам савдосига қарши кураш тўғрисида"ги Қонун бўлмоқда.

Мазкур қонун қабул қилингандан буён бир йилдан ортиқ вақт ўтди. Ўтган ана шу қисқа фурсатда мамлакатимизда одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, бу ярамас иллатга бутунлай барҳам бериш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, юқоридаги қонуннинг кучга кириши муносабати билан Олий Мажлис Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлисида Жиноят кодексининг янги таҳрирдаги бир қатор моддаларига тегишли ўзгаришлар киритилди. Одам савдоси билан боғлиқ жиноят аломатларини содир этганлиги учун жазо тайинланишини назарда тутувчи қилмишлар таркиби кенгайтирилди. 2008 йил 8 июлда эса Республикамиз Президентининг 911-сонли "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Мазкур қарор юқоридаги қонунни ҳаётга татбиқ этишни жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мезони бўлиб хизмат қилди. Зеро, айни шу қарор асосида мамлакатимизда 2008-2010 йилларга мўлжалланган "Одам савдосига қарши кураш бўйича Миллий Дастур" қабул қилиниб, амалга татбиқ этилмоқда. Қарорнинг 2-иловасига кўра эса "Одам савдосига қарши кураш бўйича республика идоралараро комиссияси" тузилиб, ҳозирда самарали амалий фаолият юритмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров раислигидаги бу комиссия томонидан мамлакатимизда одам савдосидек ярамас иллатга бутунлай барҳам бериш борасида кескин чоралар кўрилмоқда.

Чунончи, ўз ҳамюртларини сарсон-саргардон қилиш эвазига мўмай пул топишни кўзлаган нопок кимсалар қонун йўли билан жавобгарликка тортилмоқда. Одам савдоси билан боғлиқ жиноятчилик оқибатида азобланган ҳамюртларимизни муносиб ҳимоялаш, уларга ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий реабилитация қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасалар ташкил этилди. Одам савдосининг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар, фуқароларни огоҳлантириш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган маърифий-ҳуқуқий тарғибот ишлари кучайтирилди.

Шуни алоҳида қайд этиш мумкинки, одам савдосидек ярамас иллатга барҳам бериш, белгиланган Миллий Дастур режаларини бажариш, қонун ижросини тўлиқ таъминлашга эришиш мақсадида барча жойлардаги каби бизнинг Фарғона транспорт прокуратурамизда ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Энг аввало, прокуратурамиз ходимлари ўртасида юқоридаги қонун ва қарор Миллий Дастур режалари атрофлича ўқиб ўрганиб чиқилди. Миллий Дастур асосида ўз олдимизга аниқ режалар белгилаб, уни бажаришга киришдик.

Жумладан, ўтган бир йил давомида энг аввало транспорт тармоқ ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда назорат ости ҳудудимизда ноқонуний айланма йўлларга барҳам бериш, ўтиш-чегара постлари, темир йўл бекатлари ҳамда аэропортларда назоратни кучайтириш чоралари кўрилди. Бундан ташқари темир йўл бекатлари ва аэропортларда одам савдоси ва унинг оқибатлари ҳақида мунтазам равишда видеофильмлар намойиши йўлга қўйилди.

Бу тоифадаги жиноятларнинг олдини олиш ва бутунлай бартараф этишда тарғибот асосий восита эканлигини ҳисобга олиб, биз темир йўл бекатлари, аэропортларда одам савдоси жиноятлари хавфи ва оқибатларидан огоҳ этувчи плакатлар, варақалар ва бошқа кўргазмали воситалар тарғиботини кучайтирдик. Жамоатчилик билан бу борадаги алоқаларимизни мустаҳкамладик.

Хусусан, ўтган бир йил давомида назорат ости ҳудуди меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида 76 маротаба мазкур мавзуга бағишланган суҳбат-учрашувлар ташкил этдик. Тарғибот ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари, ёшлар ташкилотлари, маҳалла фуқаролар йиғинларида фаолият кўрсатаётган диний-маърифий, маънавий-ахлоқий масалалар бўйича раҳбар ўринбосарлари, маслаҳатчилар имкониятларидан кенг фойдаланяпмиз. Ёшлар, хотин-қизлар ўртасида ижтимоий фойдали меҳнат билан бандликнинг таъминланиши, турли бўш иш жойлари ярмаркалари ташкил этиш, аҳолининг бу борадаги саводхонлигини ошириш ҳам доимо диққат марказимизда турибди.

Кўрилаётган профилактик чоралар туфайли назорат ости ҳудудимизда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар сонини кескин камайтиришга эришдик. Хусусан, ўтган бир йилдан ортиқ вақт мобайнида назорат ости ҳудудимизда атиги битта одам савдоси билан боғлиқ жиноят қайд этилиб, айбдор шахслар суд орқали муносиб жазосини олгани ҳам шундан далолат беради. Бироқ минг афсуски, битта бўлса ҳам мазкур ярамас жиноятнинг қайд этилиши юқоридаги огоҳлантирувчи чораларга қарамай, улардан тегишли хулоса чиқармай нопок кимсаларнинг пуч ваъдаларига учиб, алданиб қолаётган ҳамюртларимиз ҳамон борлигини кўрсатмоқда.

Шундай экан, одам савдосига қарши кураш юзасидан амалга оширлаётган ишлар самарадорлигини ошириш, айниқса ёш авлод, хотин-қизлар олдида ушбу трансмиллий иллатнинг хавфи, оқибатлари ҳақида тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бориш бизнинг, ҳокимликлар, меҳнат ва ўқув юртлари жамоаларининг, кенг жамоатчиликнинг бурчи эканлигини унутмаслигимиз зарур. Ҳар бир фуқарода одам савдосидек ярамас иллатга нисбатан муросасизлик кайфиятини кучайтириш, миллий қадриятларимиз, турмуш тарзимизга ёт иллатларга қарши ҳамиша огоҳ ҳушёр бўлишга эришишимиз керак. Зеро, огоҳлик давр талаби, инсон ҳуқуқ ва эркинлиги эса энг олий қадриятдир.

Ҳа, инсон эрки, шаъни, ҳуқуқлари - муқаддас. Аммо, ана шу олий туйғу ва қадриятларимизни муносиб сақлаш, мустаҳкамлаш кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқ. Ўзга юртларда сарсон, хор-зор бўлмаслик, инсонийлик шаъни топталишига йўл қўймаслик учун ҳар бир фуқаро огоҳ ва ҳушёр бўлиши лозим. Бунинг учун аввало, қонунларни билиш, улардан оқилона фойдалана олиш зарур. Лозим бўлса, ҳар бир фуқаро ўзида одам савдоси ва унинг оқибатларига қарши мафкуравий-ҳуқуқий иммунитетга эга бўлишга интилиши керак. Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни, Президентимизнинг юқоридаги қарори талабларини, улардан оқилона фойдаланишни билиш эса ҳар бир инсонга ана шундай имконият бериши шубҳасиз. Демак, алданиб қолмаслик, сарсон ва саргардон бўлмаслик учун доимо ҳушёр, огоҳ бўлиш, қонунларни билиш лозим.

Ўз ҳамюртларининг ўзга юртларда сарсону хорлиги эвазига мўмай пул топишни кўзлаган нопок кимсалар эса инсон шаънини топташга уринган ҳар қандай шахс қонун олдида жавоб беришга мажбур эканлигини, жазо муқаррарлигини ёдда тутиши шарт!

**Мирсобит МУЗАФФАРОВ,**
**Фарғона транспорт прокурори**

# ФИРИБГАРЛАРНИНГ «ИШ»И

***Кундалик турмушда баъзан одам савдосининг қурбони бўлаётганлар ўз ҳамқишлоғи ёки ўз қариндоши орқали "сотилиб" кетганини эшитиб қоламиз. Кимдир бунга ишонади, кимдир эса ишонмайди... Қуйидаги воқеамиз ҳам худди шу ҳақда. Келинг, яхшиси бўлиб ўтган воқеани одам савдоси қурбонидан эшитайлик.***

Санжар Булаков, жабрланувчи: "Ўтган йилнинг қиш кунларидан бирида ҳамқишлоғим Салоҳиддинни кўриб қолдим. Гап орасида у менга Россияга ишлаш учун танишлари билан бирга кетаётганини айтди.

Мен ундан:

- Россияда иш борми, бориб ишласа бўладими? - деб сўрадим.

У: - Албатта, хоҳласанг сени ҳам олиб кетамиз. Ўртоқларим билан таништириб қўяман, - деб ваъда берди.

Февраль ойларида мен Салоҳиддиннинг уйида унинг ўртоғи Аббосиддин билан танишдим. Аббосиддин менга Россия давлатининг Иванова областига олиб бориб йўл қурилиш бўлимидан иш топиб беришини, ойига 350 доллар иш ҳақи олишимни, ётоқ жой ва озиқ-овқат билан таъминлашини айтди. Аббосиддиннинг "Агарда ойлик маош бермасалар ўз ёнимдан бераман", деган гапларига ишониб, улар билан Россияга кетмоқчи бўлдим. Шу сабабли бозорга бир бош молимни чиқариб сотиб, Аббосиддинга йўл ҳақи учун 320 минг сўм бердим.

Шундан сўнг улар бир-неча бор ишга олиб кетишни орқага суриб юришди. Ниҳоят, 2008 йилнинг 16 апрель куни бизларни Самарқанд шаҳар Улуғбек бекатига тўплашди. Мен билан бирга ака-ука Саъдуллаевлар, ота-бола Ташановлар, И.Фармонов, Р.Расулов ва Ҳ.Ҳайдаров исмли кишилар бор эди. Аббосиддин ўртоғи Болибой билан биргаликда йўловчи автобусда бизларни Тошкент шаҳрининг Қўйлиқ массивига олиб боришди. У ерда Болибой танишларига қўнғироқ қилганидан сўнг, улар иккита машинада етиб келишди. Болибой бизларни Қозоғистон Республикаси ҳудудига олиб ўтди. Аббосиддин эса Тошкент шаҳридан ортига қайтиб кетди. Болибой бизни Жамбул вилоятига олиб бориб, Канаат исмли қозоқ кишининг уйига жойлаштирди.

Канаат исмли киши уй ва савдо дўконлари қураётган бўлиб, биз мана шу қурилиш ишларини бажариб беришимиз керак экан. Болибой бизга "Усталар 30.000 тенга, оддий ишчилар эса 25.000 тенгадан иш ҳақи олади", деб айтди. Болибой ҳам биз билан бирга бир неча кун ишлаб, кейин ортига қайтиб кетди. Биз қолдик. Канаатдан иш ҳақларимизни сўраганимизда, "Болибой сизлар учун иш ҳақларингни олиб кетди", деб айтди. 2008 йилнинг 5 август куни бизни Қозоғистон ички ишлар бўлими ходимлари "депорт" қилиб, ортимизга қайтариб юборишди. Мен Аббосиддиндан 320.000 сўм пулимни қайтариб олдим, аммо тўрт ой ишлаган иш ҳақимни ололганим йўқ".

Жабрланганларнинг деярли ҳаммаси худди шундай мазмунда кўрсатма берган. Ишлаш учун бир-икки марта четга чиқиб йўл-йўриғни билиб олган Аббосиддин Арзиқулов танишлари Абдисамат Эргашев ва Салоҳиддин Тўраевлар билан бирга мўмай пул топишнинг қабиҳ режасини ўйлаб топишган. Салоҳиддин атрофига Россияга ишлаш учун кетишни хоҳловчи ҳамқишлоқларини йиққан. Улар йигитларни "350 доллар маош оласизлар" деб алдаб, уларнинг ҳар биридан йўл кира учун 320.000 сўмдан олишган. Аммо фирибгарлар йигитларни Россияга эмас, Қозоғистонга олиб бориб сотиб юборишган. У ерда тўрт ой ишлаган йигитлар пулсиз уйларига қайтиб келишга мажбур бўлишган.

Қилмиш-қидирмиш деганларидек, фирибгарлар қилмишларига яраша жазосини олишди. Суд Аббосиддин Арзиқулов ва Болибой Даминовларни беш йилга озодликдан маҳрум этди.

Ушбу воқеа нафақат жабрланганларга, балки мақолани ўқиганларга ҳам ибрат бўлади, деган умиддамиз. Халқимиз "Узоқдаги буғдойдан яқиндаги сомон яхши", деб бежизга айтмаган.

**Муҳиддин ТЎХТАЕВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг раиси**

# ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ КАФОЛАТЛАНАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида виждон эркинлиги ҳамма учун кафолатланиши, ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эгалиги, диний қарашларни мажбуран сингдиришга, миссионерлик фаолиятига йўл қўйилмаслиги белгилаб берилган.**

1998 йили янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонуннинг мақсади ҳар бир шахснинг эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг тинчлигини таъминлаш, шунингдек диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туришдан иборат.

Собиқ иттифоқ даврида мусулмонларга муқаддас ҳаж амалларини адо этиш у ёқда турсин, қариндош-уруғ, ота-оналаримизни сўнгги йўлга кузатиш билан боғлиқ урф-одатларимизни ҳам тўла-тўкис амалга ошира олмас эдик. Шунингдек, мусулмонларимизнинг ибодатларини масжидларда бемалол адо этишлари, қутлуғ Рамазон ва Қурбон ҳайитларини, Наврўз каби миллий байрамларни ўтказишларига ҳам йўл қўйилмаган.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат барпо этилиши билан эътиқод эркинлигини таъминловчи — "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонун ҳам давр талабига мос равишда такомиллаштирилди. Турли динларга эътиқод қилувчилар учун қонун асосида барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Бугунги кунда пойтахтимиз Тошкентда Адлия бошқармаси томонидан 149 та диний ташкилотлар давлат рўйхатига олинган бўлиб, улар ўз йўналиши бўйича фаолият кўрсатишмоқда.

Давлатимиз диний ташкилотлар билан бўлган муносабатларини амалдаги қонунлар асосида, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат ва ҳимоя қилиш асосида олиб боради. Шу билан бирга, улардан қонун олдидаги бурч ва мажбуриятларни бажарилиши ҳам талаб этилади.

"Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган бирлашмалари диний ташкилотлар деб эътироф этилади.

Адлия бошқармасининг жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар бўлими томонидан диний ташкилотлар уставларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва фаолиятда унга амал қилишларини ўрганиш билан биргаликда уларга янги қонунларни тарғиб қилиш, диний ташкилотлар биноларнинг ҳовли-атрофлари озодалигига, саранжом-саришталигига, санитария-гигиена ҳолатларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкиллаштирилган туманлардаги диний ташкилотлар билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси, шаҳар ва туман диний идоралари вакиллари ҳамда адлия ходимлари иштирокида бўлиб ўтаётган семинарларда бугунги куннинг долзарб муаммосига айланган диний экстремизм, терроризм ҳаракатларининг олдини олиш йўлида маҳалла, диний ташкилотлар, ўқув юртлари, давлат идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жамоатчилик билан ҳамкорликда турли маърузалар, учрашув ва суҳбатлар ўтказилмоқда.

**Зуҳра АЗИМОВА,**
**Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари**

# ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Шахснинг сиёсий фаоллиги, унинг чинакам фуқаровий муносабати, демократик ислоҳотларга интилувчанлиги белгиланган мақсадларга тезроқ эришишнинг муҳим омилидир.

Юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуклигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир. Қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда. Ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури"нинг қабул қилиниши аҳолининг барча қатламларида ҳуқуқий саводхонликка эришиш, ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси вилоятдаги барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ОАВ билан кенг кўламли ҳамкорликни йўлга қўйиб, ҳуқуқни қўллаш соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориб, халқнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий маънавият тушунчаларини фуқаролар онгига сингдириш орқали қонун устуворлигини таъминлашни ўзининг асосий вазифаларидан бири, деб ҳисоблайди .

Ҳуқуқий тарғиботнинг турли йўналишлари бўйича 2009 йилнинг биринчи чорагида ОАВ орқали 176 маротаба чиқиш қилинди, 22 маротаба маъруза, 297 маротаба давра суҳбати, 203 маротаба семинар ташкил этилди. Ўтказилган барча тарғибот ишларини юқори савияда ўтказишга ва кенг халқ оммасига содда, равон тилда тушунтирилишига алоҳида эътибор қаратилди. Корхона, муассаса, ташкилотларда, барча тоифадаги ўқув юртларида , маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида ўтказилган очиқ, юзма-юз мулоқотларда 32 462 нафар тингловчилар иштирок этишди. Таҳлилар шуни кўрсатадики, тадбир ўтказилган манзилда бошқа мавзуда тадбир ўтказилганда олдинги ўтказилган тадбир мавзуси бўйича фуқароларимиз тегишли ҳуқуқий кўникмалар ҳосил қилганликлари шоҳиди бўламиз. Таъкидлаш жоизки, фуқароларда ҳуқуқий билимларни нафақат билиш, балки бу билимларни ўз ҳаётига татбиқ эта олиш қобилиятини шакллантириш ўта муҳим аҳамиятга эга. Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни муваффақият билан ҳаётга татбиқ этиш кўп жиҳатдан янгича ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш билан боғлиқ".

Мустақил юртимиз аҳолисининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга эришиш бу интилиш ва саъй-ҳаракатлардан кутилган эзгу мақсадимиздир.

**Ўлмас АХАТОВ,**
**Самарқанд вилояти Адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари**

# АДВОКАТ ВАКОЛАТИ — ИНСОН ҲАҚ-ҲУҚУҚИ ВАКОЛАТИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олишини таъминлаш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигига эришиш ва адвокатларнинг малакасини ошириш масалаларига қаратилган. Ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2008 йил 27 майда "Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" 112-сонли қарори қабул қилинди.**




Адвокатура институтининг мавқеи адвокатнинг ваколат доирасини ҳам қамраб олишини назарда тутган ҳолда, бугунги кунда адвокатнинг ҳуқуқлари доираси янада кенгайтирилиб, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган, замон талабларига ҳамоҳанг шарт-шароитлар яратилди.

Ўз навбатида адвокатура соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар бир қатор қонун ҳужжатларига ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Жиноят-ижроия кодекси, "Адвокатура тўғрисида"ги ва "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги Қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 87-моддасида далиллар тўплаш назарда тутилган бўлиб, фақат бир қисмдан иборат бўлган. Ушбу модда иккинчи ва учинчи қисмлар билан тўлдирилиши натижасида далилларни тўплаш йўллари кенгайтирилди.

Модданинг иккинчи қисмида, ҳимоячи далиллар сифатида фойдаланиши мумкин бўлган маълумотларни: ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўроқдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш; давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхона, муассаса ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўплашга ҳақли эканлиги белгиланди.

Шунингдек, мазкур модданинг учинчи қисмига асосан, ҳимоячининг ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ тўпланган материалларни ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги илтимосномаси суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан албатта қаноатлантирилиши кераклиги мустаҳкамланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ҳам янги $197^1$-модда билан тўлдирилди. Хусусан, мазкур Кодекснинг 197-моддаси прокурорнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ва унинг талабларини бажармаслик учун маъмурий жавобгарликни белгилаган бўлса, эндиликда $197^1$-модда билан адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилишда ҳам маъмурий жавобгарлик юзага келиши эътироф этилди.

Ушбу моддага асосан, адвокат сўровига жавоб тақдим этмасликда ифодаланган адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш, шунингдек адвокатнинг ишда иштирок этишига тўсқинлик қилиш ёки ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) манфаатларига зид бўлган вазиятни мажбуран эгаллашига эришиш мақсадида адвокатга қандай шаклда бўлмасин таъсир ўтказиш - энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланди.

Мамлакатимиз қонунларининг адвокатларга берган бу каби имкониятларидан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан 2009 йил 1-чорак давомида адвокатлар томонидан фуқароларга жами 1709 марта оғзаки маслаҳатлар берилди ва 339 та ҳуқуқий тусдаги ҳужжатларни тузишда уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича юридик шахслар билан жами 97 та шартнома тузилди.Шунингдек, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича дастлабки тергов ва суд ишини юритиш даврида жами 103 та жиноий ишларда адвокатларнинг қатнашиши таъминланди.

Шу билан бир қаторда, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги "Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш ва адвокатлик тузилмаларини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 60-сонли қарорига асосан, Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда амалдаги адвокатлик тузилмаларини қайта рўйхатдан ўтказиш, уларда ишлаётган адвокатлар томонидан малака имтиҳонларининг қайта топширилиши, уларга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи янги намунадаги лицензиялар ва адвокатлик гувоҳномаларини бериш бўйича бир қатор ишлар бажарилди.

Хусусан, Адвокатлар палатаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси ва адлия бошқармасининг 2009 йил 1 апрелдаги қўшма қарорига кўра, ташкил этилган малака комиссияси томонидан вилоятдаги мавжуд адвокатлик тузилмаларида фаолият кўрсатаётган адвокатлардан малака имтиҳонлари режа асосида қабул қилиниб, унинг натижасига кўра, 100 нафар адвокатлар малака имтиҳонидан муваффақиятли ўтказилди ва уларга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар топширилди.

**Жамшидхон НУРИТДИНОВ,**
**Наманган вилоят Адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари**

**Улар ҳамон ўзларини айбсиз деб ҳисоблашаётган эди. Апелляция шикояти келтиришди. Вилоят суди апелляция инстанциясининг ажрими билан жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг ҳукми ўзгаришсиз, ҳукм этилганларнинг апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилди.**

**Халқимизда"пичоқсиз сўйди", деган ибора бор. Ғийбат, иғво, бўҳтон, туҳматлар одамни руҳан мажақлайди. Ёпёруғ олам кўзига зимистондай туюлиб қолган киши тушкунликка берилади. Буни ўз вақтида пайқаш, куюнчаклик билан дилидаги жароҳатларга малҳам қўйиб, жонига оро кириш, ҳаммаси изга тушишига умид-ишонч уйғотиш, ҳаётга қайтариш савобли амаллардандир.**

**Ўн етти ёшида турмушга узатилган келинчакнинг теварак-атрофида ана шундай кишилар ҳам бор эди. Қўни-қўшнилар худбин ва бераҳм қайнона, қайинсингилнинг зуғумлари, бедодликлари дилини вайрон қилиб қийнаётганини кўриб-билиб туришар, "ҳаммаси яхши бўп кетади" дея кўнглини кўтаришарди-ю, оқибати бу қадар аянчли тугашини хаёлларига келтиришмасди.**



# БИЛВОСИТА ҚОТИЛЛИК

— Дилидагини тилига чиқармасди, — дейди битта подъездда яшовчи Ольга Смирнова (исм-шарифлар ўзгартирилди), — биринчи қаватдаги уйда ёшлар, иккинчи қаватда қайнона-қайнотаси болалари билан туради. Битта қайнсинглиси эридан ажралиб келган. Уйларида кун ора уруш, жанжал. Тўс-тўполондан кейин эрталаб зинапояни супураётганида кўришиб қолиб, "тағин нима бўлди", деб сўрасам, Наргизанинг кўзидан ёш думаларди-ю, "ҳеч нима" деб қўя қоларди. Бир гал ўзингни қийнамай, ажралиб қўя қолгин-да, десам, "уни севаман", деди. Рустам ростдан яхши йигит. "Азот" заводида ишлайди. Бир кеча-кундуз навбатчиликда туриб, икки кун дам олади. Дадаси Қурбон ака ҳам яхши одам. Рустам билан дадаси уйдалигида қўни-қўшниларнинг қулоғи тинч. Улар ишдалигида, кўчага чиқиб кетганларида қиёмат-қойим бошланади.

— Бечора, жудаям яхши қиз эди, — дейди Ирина Петрова. — Гоҳида мен билан дардлашарди. Рустамни яхши кўрарди. Шунинг учун қайнонаси билан қайнсинглисининг хўрлашларига чидарди. Битта подъезддаги алоҳида квартираларда яшашсаям тинчлик йўқ эди. Қайнонасининг уйини супуриб, сидириб, тозалаб, овқатини пишириб берарди. Ўзи ҳам ўша ерда овқатланарди. Алоҳида рўзғори йўқ эди. Бир марта подъезд ёнида кўришганимизда атир совға қилдим. Ёш боладай севинди. Сал ўтмай, уйимга кириб, атирни қайтариб берди. Қайнонаси қўшнилар билан гаплашмайсан, деб уришибди. "Уйингга бориб тур, эринг сени севса, бошқа жойдан квартира топиб, кўчириб боради", деб маслаҳат бердим. "Одамлар нима дейди, аям гап-сўзларга қандай чидайди", деб кўнмади. Ота-онасини авайларди. Ориятли эди.

— Наргиза қўни-қўшнилар билан яхши эди, — дейди Олияхон Ҳатамова. — Тинмасди. Уйидаги палос, гиламларни кўчада ювиб-тозалар, чарчаб, ҳолсизланиб қоларди. Бир марта "кечқурун кўчага нега чиқиб кетдингиз", деб сўрадим. Наргиза "Рустам ака сменадалигида Роза опа бизни квартирамизда мен билан ётади. Кечқурунлари менинг кийимларимни кийиб, айлангани чиқиб кетяпти" деб жавоб берди. Қайнсинглиси ёш боласи билан эридан ажралиб келиб қолган. Ҳар хил баҳоналар билан уруш-жанжал чиқариб, Наргизага кун бермаган. Қайнонаси ҳам Розахоннинг тарафини олиб келинини доим ҳақоратларди. Шунга чидамай, ўзининг жонига қасд қилган бўлса керак.

— Рустам ака ишдалигида Роза опа уйимга кириб ётаяпти, — деди аясига. — Кечқурун менинг кўйлакларимни кийиб, кўчага чиқиб кетяпти. Қўшнилар уни мен деб ўйлашяпти. Рустам ака билиб қолса, мени кечаси кўчада санғиб юрибди, деб ҳайдаб юборса, нима қиламан? Рустам акага тўғрисини айтгандим, қайнонам билан қайнсинглим жанжал кўтаришди. Қизимни ўғри-суюқоёққа чиқаряпсанми, туғмас, деб қайнонам ҳақорат қилди. Эрингга, қайнотангга яна бир оғиз гап чақсанг, ҳайдайман, деяпти. Ҳов бирда, эрим ишдалигида Роза опа кечаси уйимга битта йигитни бошлаб келди. Бирга ётди. Рустам акага айтгани қўрқаяпман. Қайнонам билан қайнсинглим ўзимга тўнкаб қўйишади. Менинг эмас, уларнинг гапига ишонади, уйим бузилиб кетади.

— Мен қуда билан гаплашаман. Сабр қил, қизим. Ҳаммаси изига тушади. Розаниям биронта эрга бериб юборишади. Қулоғинг тинчийди.

— Қайнонам сен туғмасни пуштинг куйиб кетган, деб кун бермаяпти, аяжон.

* * *

Унинг қорнига пичоқ санчилган, "Тез ёрдам" етиб келгунча кўп қон йўқотиб, ҳаётдан кўз юмган эди. Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилди. Дастлабки терговда барча ҳолатлар атрофлича текширилди. Ўн етти яшар, вояга етмаган Наргиза Қиргули мавзесида яшовчи Насриддиновлар хонадонига келин бўлиб тушган эди. Ярим йил бирга яшаганларидан кейин Рустамжон билан расмий никоҳдан ўтишди. Дастлаб турмушлари ёмон эмас эди. Рустамнинг опаси Розахон эридан ажралиб, ота-онасининг уйида тура бошлагач, орага совуқчилик тушди. Рустам ишдалигида, тунда Розахон Наргиза билан бирга ётарди. Ҳар гал у чиқиб кетганидан кейин минг-икки минг сўм пул йўқолиб қоларди. Рустамжон Наргизадан "пул қани" деб сўраса, билмайман, мен олганим йўқ, дерди. Бир гал келиннинг узуги йўқолди. Наргиза эрига айтганида, қайнонаси Раҳима опа "нега қизим Розахонни ўғри қиляпсиз", деб жанжал чиқарди. Узук топилмади. Наргиза ойда бир марта ота-онасининг уйида ётиб қолар эди.

— Ҳали ёшсан. Ўшанга ҳомиладор бўлмаяпсан. Раҳимахонга мен ётиғи билан айтаман. Сабр қилинг, фарзандли бўлишади, деб кўнглини юмшатаман.

— Туғруқхонага бориб ўзимни кўрсатай, деяпман.

— Эринг кўнса, бориб кўрсат.

Рустамжон Наргиза билан туғруқхонага борди.

— Ҳалироқ келинглар, анализларга ўн уч минг сўм тўлайсизлар.

Рустамжон ишга кеч қолаётганди, Роза опам билан боринглар, дея ўн саккиз минг сўм пул берди.

Туғруқхонага борганларида Роза пулни олиб, ўзи ҳисоб-китоб қилди.

Келаси куни Наргиза анализ натижасини олиш учун туғруқхонага бориб учраганида, тағин уч минг сўм тўлайсиз, дейишди. У Рустамжонга қўнғироқ қилди.

— Ўн саккиз минг сўмни нима қилдингиз?

— Ҳаммасини Роза опага берганман.

— Қай бирингга ишонай? - дея Рустамжон ўшқирди. Наргизанинг юраги сиқилиб, ота-онасининг уйига кетиб қолди. Роза опа телефонда чақириб, "Арзимаган уч минг сўмни деб мени укамга ёмон кўрсатишинг шартмиди" дея ҳақорат қилди. "Сўраб билдим, барибир бола кўрмайсан, туғмас!"

"Куёв чақирди" маросимидан кейин қуда аёллар ўртасида олди-бердидан низо чиқди. Наргизанинг акаси — қайноғага арзимас кўйлак қўйишибди, деган гапга жавобан Раҳима опа куёвга — Рустамжонга совға қилишган костюм-шим бир пулга қиммат экан, деб қудасининг уйига қайтариб юборди. Бу ҳам етмагандай, Раҳима опа қудасини телефонда чақириб, ўғлимни туғмас қизингиз билан яшаттирмайман, дея Наргизанинг дилини баттар вайрон қилди. У ухламай тонг оттирди.

Эрталаб қайнота — Рустамжоннинг дадаси иш билан Наманганга отланди. Наргиза унинг "Москвич" машинасига буюмларини ташиб берди. Сўнг уйига кириб кетганича қайтиб чиқмади. Кечки соат тўрт-бешларда қайнона билан қайнсингил эшигини тақиллатишса, очмади. Роза балкондаги деразадан ошиб кириб, бақрайганича эшикни очди. Меҳмонхонада, полда Наргиза гапира олмасдан хириллаб ётар эди. Қўшнилар чиқишди. Ҳамшира — қўшни аёл ярани боғлаб, "Тез ёрдам" чақирди. Шифокорлар етиб келишганида Наргизанинг жони узилган эди.

Хонадоннинг эшик-деразалари зич берк бўлган, кундуз куни кечгача подъезд олдида аёллар болаларини ўйнатиб, гаплашиб ўтиришган, балкондан биров сездирмай ошиб кириб, пичоқ урган бўлиши мумкин, деган тахминга ҳеч қандай асос йўқ эди. Наргиза қайнона-қайнсингилнинг муттасил равишда ҳақоратлашларига тоқат қила олмай, ўз жонига қасд қилган, ўзи қорнига пичоқ тиққанди.

Суд келинини мунтазам равишда хўрлаб, руҳий ва маънавий азоб бериб, ўзини ўлдириш даражасига етказган, бевосита эмас, билвосита қотиллар - қайнона Р.Насриддинова билан қайнсингил Р.Ўлмасоваларнинг қилмишларига яраша жазо тайинлади. Апелляция инстанцияси ушбу ишни муфассал кўриб чиқиб, ҳукмни ўз кучида қолдирди.

**Музаффар МАМАЖОНОВ,**
**Фарғона шаҳар прокуратураси катта терговчиси**

# Жиноятига яраша жазо

**Умр оқар дарё дейдилар. Кимдир умр бўйи қинғир йўлни танласа, кимдир тўғри йўлдан юради. Тақдир синовлари, ҳаёт машаққатларига бардош бериб, ножўя ишлар қилмаган киши фарзандларию набираларига ўрнак бўлади, ўзига яраша ҳурмат ва обрў орттиради. Аксинча, жиноят йўлига кирганлар бошқаларга қандай намуна бўлар экан?**

Ўқиган бошқа, уққан бошқа дейдилар. 1982 йилда Сирдарё вилояти, Сайхунобод туманида туғилган Қодир Данаевнинг ота-онаси не-не орзулар билан фарзандларини вояга етказдилар. Едириб-ичиришди, ўқитишдию афсуски уқтиришмабди. Номақбул фарзанд 2005 йилда талончилик жиноятини содир этиб, жавобгарликка тортилди. Бироқ, давлатимиз раҳбарияти томонидан суд-ҳуқуқ соҳасида юритилаётган одил кечиримлилик сиёсати ёш талончининг жонига оро кирди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йил 2 декабрь кунидаги амнистия тўғрисидаги қарорига асосан жазодан озод этилди. Аммо, бундай инсонпарварлик тамойилидан тегишли хулоса чиқармаган "қаҳрамонимиз" ўзининг жиноят оламидаги "юриши"ни давом эттирди.

Қилаётган ишларидан қониқмаган Қодир 2007 йилнинг августида Россияга боришга қарор қилди. Ўзига ўхшаган ишсиз шериклар билан йўлга отланиб, чегарани айланиб ўтиб, дастлаб Олма-ота шаҳрига, у ердан Россиянинг Омск шаҳрига етиб келишади. Халқимизда, "Хўроз ҳамма ерда ҳам бир хил қичқиради", деган нақл бор. Енгилроқ пул топиш ниятида ўзга юртга келган Қодиржон тез орада чучварани хом санаганини, меҳнат қилмай роҳатга эга бўла олмаслигини тушунди. 10 ой давомида қурилиш фирмасида ишлаб, 19 минг рублча маблағ тўплагач, уйига қайтишга чоғланди. 5000 рубл эвазига Э.Курбонбоева исмли таниши ёрдамида Россия чегарасидан ноқонуний йўллар билан Шимолий-Қозоғистон вилоятининг М.Жумабаев туманида жойлашган "Атлантида" меҳмонхонасига келади.

Келишувга мувофиқ, чегарадан олиб ўтадиган автобус тўлмаганлиги сабабли Данаев ва унинг шериклари Курбонбоевани шу меҳмонхонада кутиб туришлари керак эди. Вақтни бекор ўтказмасликка қарор қилган йигитлар, меҳмонхона яқинидаги дўкондан спиртли ичимлик харид қилиб, истеъмол қилишди. Бир маҳал кайфи ошган Қодиржон билан ҳамроҳи Дилшод Азизовлар "дам олиш"ни истаб қолишди. Шу мақсадда сўраб суриштириб, Булаева шаҳри, Северная кўчасидаги хонадонлардан бирида яшовчи Оразбиби Тастанбекованинг уйига келишди. О.Тастанбекова эса уларнинг икки кишилигини кўриб, ҳайдаб юборади.

Эртаси куни Дилшод кечки пайт О.Тастанбекованинг олдига қайтиб борганлигини ва ўша ерда қолиб дам олганлигини айтиб, мақтаниб қолди. Бу гапларни эшитган Қодирнинг жаҳли чиқиб, аёлдан ўч олиш нияти туғилди. Шу мақсадда 6 июнь куни кечки соат олтиларда савдо дўконидан қайтиб келаётган аёлни тутиб олади ва четга олиб чиқиб шафқатсизларча уриб-тепади. Сўнгра ҳушсиз ётган аёлнинг бошига катта тош билан бир неча марта уради...

Қодир меҳмонхонага қайтиб келгач Дилшодга воқеани гапириб бериб, уни воқеа жойига олиб боради-да, марҳумани таниб бўлмайдиган ҳолатга келтириш учун О.Тастанбекованинг юз қисмига 4-5 маротаба тош билан уради. Кейин қурбонининг ёнида бўлган 20100 қозоқ тенгеси миқдоридаги буюмларни олиб, шериги билан яширинади.

Шундан сўнг, қотил айланма йўллар орқали Ўзбекистон чегарасини бузиб ўтиб, Тошкент шаҳрига келади.

Қодир бу воқеадан анча аввал, аниқроғи 2003 йилда Тошкент шаҳрида ҳарбий хизматни ўтаётган вақтда Ҳамза тумани, Строительная кўчасида яшайдиган Ольга Сарап исмли аёл билан танишиб қолган эди. Орадан беш йил ўтгач, кўчада Ольгани учратиб қолди. Учрашиб юришди. Август ойининг ўрталарида аёлнинг уйига келиб, унга сарф қилган пулларини қайтаришни талаб қилди. Чақалоғини ухлатиш ҳаракатидаги Ольгадан рад жавобини олгач, жаҳл устида унинг дуч келган жойига пичоқ уради. Аёл воқеа жойида вафот этади. Кўзи қонга тўлган Қодир эндигина бир ёшга тўлган чақалоққа ҳам раҳм қилмайди. Қотил аёлга тегишли 167 минг сўмлик "Сименс" русумли қўл телефонини олиб, воқеа жойидан қочиб қолади.

Содир этган жиноятлари ошкор бўлишидан қўрққан қонхўр Наманган вилоятига йўл олади. Наманганга келгач, Отамурод Эргашев ва Элмурод Мирзақуловлар билан танишиб, айланма йўллар билан Қирғизистон ҳудудига ўтиб, турли ишларни қилиб юришди. Ишлар тугагач, яна Наманганга қайтиб келишади ва меҳнатлари унумли бўлганини "ювмоқчи" бўлишади. Бироздан кейин кайфлари ошиб, Қодир билан Отамурод жанжаллашиб қолишади. Жанжал зумда муштлашувга айланади ва Қодир ёнидаги пичоқ билан О.Эргашевнинг дуч келган жойига ура бошлайди. Элмуроднинг аралашуви билангина фожианинг олди олинди. Шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Отамурод Эргашевнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Жиноятчи шу куннинг ўзидаёқ ҳибсга олинди. Дастлабки ва суд тергови давомида унинг барча жиноий қилмишлари фош этилади.

Суд ҳукми билан Қодир Данаев жиноятларига яраша жазосини олди.

**Отабек АБДУЛЛАЕВ,**
**Бош прокуратура бошқарма катта терговчиси**

## ТЕНДЕР САВДОЛАРИ МУДДАТИНИНГ УЗАЙТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ХАБАРНОМА

# ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги №ПҚ-672 сонли қарорига асосан аввал эълон қилинган тендерлар бўйича таклифларини қабул қилиш муддатини узайтирилганлигини маълум қилади:**

**Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2009 йил 14 август куни Тошкент вақти билан соат 12.00да тугайди.**

| Корхонанинг номи | Манзили | Сотиладиган улуш (%) | Бошланғич нархи (АҚШ долл.) | Инвестиция мажбуриятлари (АҚШ долл.) | Тендер ҳужжатлари пакетининг нархи (АҚШ долл.) |
|---|---|---|---|---|---|
| "Фарғона фуран бирикмалари кимё заводи" ОАЖ | Фарғона вилояти | 100,0 | 37 000 000, 0 | 2 600 000, 0 | 2 000 |
| "IPAK YO'LI - TURIZM INVEST" ҚК МЧЖ ("Dedeman Silk Road Tashkent" меҳмонхонаси) | Тошкент шаҳри | 39,0 | 11 300 000 | 5 000 000 | 2 000 |
| "Grand Mir" ҚК МЧЖ ("Grand Mir" меҳмонхонаси) | Тошкент шаҳри | 35,0 | 7 808 500 | 2 800 000 | 2 000 |
| "ISSIQLIKQUVVATTA'MIR" ОАЖ | Тошкент шаҳри | 25,0 | 640 000 | 150 000 | 100 |
| "Лайнер" дам олиш маскани | Тошкент вилояти | 100,0 | 796 800 | 180 000 | 100 |
| "Роҳат" болалар соғломлаштириш оромгоҳи | Бухоро вилояти | 100,0 | 36 000 | 50 000 | 100 |

**"Фарғона фуран бирикмалари кимё заводи" УК** Фарғона вилоятининг Фарғона шаҳрида жойлашган. Корхона 1946 йилда ишга туширилган. Корхона пахта целлюлозаси, фуритол-107, фурфил спирти, этилланган техник спирти, фурфурол -1 нав, ФХЛ-1 бурғулаш реагенти, той-пахта маҳсулотларини ишлаб чиқаради.

**"Dedeman Silk Road Tashkent" меҳмонхонаси** Тошкент шаҳри марказида, Алишер Навоий ва Амир Темур кўчаларининг кесишмасида жойлашган. "Dedeman Silk Road Tashkent" 4 юлдузли меҳмонхона ҳисобланади. Меҳмонхонада 206 та шинам хона, ресторан, кафе, бар, тунги клуб мавжуд. Шунингдек конференция ва учрашувлар ўтказиш учун барча қулайликлар яратилган. Меҳмонхонада "Life Style" соғломлаштириш клуби фаолият кўрсатади.

**"Grand Mir" меҳмонхонаси** пойтахтнинг марказида У.Носир ва Кунаев кўчаларининг кесишмасида жойлашган. "Grand Mir" меҳмонхонаси 5 юлдуз мақомига эга. Меҳмонхонада 126 та шинам хона, иккита ресторан, кафе, бар, соғломлаштириш клуби, кўп мақсадли 250 кишилик конференц заллар мавжуд.

**"ISSIQLIKQUVVATTA'MIR" ОАЖ** Тошкент шаҳри Яккасарой туманида жойлашган бўлиб, корхона 1997 йилда ишга туширилган. Корхонанинг асосий фаолият тури қурилиш-монтаж ишлари, капитал таъмирлаш, магистрал ва кварталлар ичидаги иссиқлик ўтказиш тизимларини капитал таъмирлаш ва қуриш, коммунал хўжалиги объектларида умумий қурилиш ишларини олиб боришдан иборат.

**"Лайнер" дам олиш маскани** Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Янгиқурғон қурғонида жойлашган. 1984 йилда ишга туширилган бўлиб, "Uzbekistan Airways Technics" авиакорхона балансида ва унинг ижтимоий инфратузилмаси ҳисобланади. Дам олиш маскани йилига 2 400 нафар кишини қабул қилиш ва хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Жами ер майдони 7 га, шу жумладан асосий бино ва иншоотлар жойлашган ер майдони 1,05 га.

**"Роҳат" болалар соғломлаштириш оромгоҳи** Бухоро вилояти, Олот туманида жойлашган. 1974 йилда ишга туширилган бўлиб, Олот туман қишлоқ ва сув хўжалик бўлимининг балансида ҳисобланади. Оромгоҳ йилига 160-190 кишини қабул қилиш ва хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Жами ер майдони 9078 м², шу жумладан асосий бинолар ва иншоотлар жойлашган ер майдони 895 м². Оромгоҳ худудида 11 та бино ва иншоотлар мавжуд.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги Билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим.

Ушбу ҳолда Информацион меморандум, Тендерни ўтказиш қоидалари ва Тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган Тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Давлат мулки қўмитасига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида Билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатлари учун белгиланган тўловни Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг қуйидаги ҳисоб рақамларидан бирига ўтказиш лозим:

**Валюта рақами №**
**20203840500600289001**
**Ҳисоб рақами №**
**20203000600600289001**

"Ипак Йўли" АИКБ, Тошкент ш., Фарҳод кўч., 12-А уй.

ИНН 201122696, Банк коди 00444, S.W.I.F.T. код: INIPUZ22

**Тендер таклифларининг очилиши 2009 йил 14 август куни Тошкент вақти билан соат 16:00да, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қаватда) бўлиб ўтади.**

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат этишингизни сўраймиз:

**Кимёсаноат соҳаси ва меҳмонхоналар бўйича:**

Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш Бюроси,

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100003, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55- уй.

Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.

Бош директор в. б. Ахмеджанов Халил Хакимжанович эътиборига,

**Телефон:** +998 (71) 259-22-51
**Факс:** +998 (71) 259-22-79
**Эл.манзил:** ccpbuz@tps.uz

**Дам олиш маскани, болалар соғломлаштириш оромгоҳи ва "ISSIQLIKQUVVATTA'MIR" ОАЖ бўйича:**

Давлат мулки қўмитаси,

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100003,

Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уй.

Давлат мулки қўмитаси биноси, 8-қават.

Маматов Одилжон Абдугаффарович эътиборига,

**Телефон:** +998 (71) 259-21-90
**Факс:** +998 (71) 259-20-72
**Эл.манзил:** www.gki.uz

## УВЕДОМЛЕНИЕ О ПРОДЛЕНИИ СРОКА ТЕНДЕРА

# ГОСУДАРСТВЕННАЯ КОМИССИЯ ПО ПРОВЕДЕНИЮ ТЕНДЕРНЫХ ТОРГОВ ПРИ ПРОДАЖЕ ГОСУДАРСТВЕННОГО ИМУЩЕСТВА ИНОСТРАННЫМ ИНВЕСТОРАМ

**В соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-672 от 20 июля 2007 года уведомляет о продлении срока подачи тендерных предложений по ранее объявленным тендерам:**

**Срок приема тендерных предложений истекает в 12:00 часов дня по Ташкентскому времени 14 августа 2009 года.**

| Наименование предприятия | Адрес | Реализуемая доля (%) | Стартовая цена (долл. США) | Инвестиционные обязательства (долл. США) | Стоимость тендерной документации (долл. США) |
|---|---|---|---|---|---|
| УП "Ферганский завод фурановых соединений" | Ферганская область | 100,0 | 37 000 000, 0 | 2 600 000, 0 | 2 000 |
| СП ООО "IPAK YO'LI - TURIZM INVEST" (гостиница "Dedeman Silk Road Tashkent") | г.Ташкент | 39,0 | 11 300 000 | 5 000 000 | 2 000 |
| СП ООО "Grand Mir" (гостиница "Grand Mir") | г.Ташкент | 35,0 | 7 808 500 | 2 800 000 | 2 000 |
| ОАО "ISSIQLIKQUVVATTA'MIR" | г.Ташкент | 25,0 | 640 000 | 150 000 | 100 |
| Зона отдыха "Лайнер" | Ташкентская область | 100,0 | 796 800 | 180 000 | 100 |
| Детский оздоровительный лагерь "Рохат" | Бухарская область | 100,0 | 36 000 | 50 000 | 100 |

**УП "Ферганский химический завод фурановых соединений"** расположен в г. Фергане, Ферганской области, введено в эксплуатацию в 1946 году. Предприятие производит: хлопковую целлюлозу, фуритол-107, фурфуриловый спирт, технический этиловый спирт, фурфурол, буровой реагент ФХЛ-1 и хлопчатобумажную вату.

**Гостиница "Dedeman Silk Road Tashkent"** расположена в центре города Ташкента на пересечении улиц Алишера Навои и Амира Темура. Гостинице "Dedeman Silk Road Tashkent" присвоена категория "4 звезды". Гостиница имеет 206 комфортабельных номеров, ресторан, кафе, бар, ночной клуб, также имеются все удобства для проведения конференций и деловых встреч. На территории гостиницы функционирует оздоровительный клуб "Life Style".

**Гостиница "Grand Mir"** расположена в центре города Ташкента на пересечении улиц У.Насыра и Кунаева. Гостинице "Grand Mir" присвоена категория "5 звезд". Отель имеет 126 комфортабельных номеров, два ресторана, кафе, бар, оздоровительный клуб, многоцелевые залы для проведения конференций и деловых встреч, вместимостью до 250 человек.

**ОАО "ISSIQLIKQUVVATTA'MIR"** расположено в Яккасарайском районе г.Ташкента. Предприятие введено в эксплуатацию в 1997 году. Основным видом деятельности предприятия является строительно-монтажные работы, капитальный ремонт и строительство внутриквартальных и магистральных теплосетей, общестроительные работы на объектах коммунального хозяйства.

**Зона отдыха "Лайнер"** расположена в поселке Янгикурган, Бостанлыкском районе Ташкентской области, введен в эксплуатацию в 1984г., находится на балансе и является социальной инфраструктурой авиапредприятия "Uzbekistan Airways Technics". Рассчитан на приём и обслуживание 2 400 человек в год. Общая площадь составляет - 7 га, в т.ч. под зданиями и сооружениями - 1,05 га.

**Детский оздоровительный лагерь "Рохат"** расположен в Алатском районе Бухарской области. Введен в эксплуатацию в 1974 году, находится на балансе Отдела сельского и водного хозяйства Алатского района. Рассчитан на приём и обслуживание 160-190 человек в год. Общая площадь 9 078 кв.м, в т.ч. под зданиями и сооружениями - 895 кв.м. На территории имеется 11 зданий и сооружений.

Инвесторы, желающие участвовать в тендере, должны подать соответствующим образом заполненную и подписанную Заявку на участие и Заявление о соблюдении конфиденциальности.

В этом случае пакет тендерной документации, включающий Информационный меморандум, Правила проведения тендера и Форму тендерного предложения, может быть получен после его оплаты и представления в Госкомимущество Республики Узбекистан заполненной и подписанной Заявки и Заявления о соблюдении конфиденциальности с приложением копии документа, подтверждающего оплату.

Оплату за пакет тендерной документации необходимо перечислить на один из следующих счётов Госкомимущества Республики Узбекистан:

**Валютный счёт №**
**20203840500600289001**
**Расчётный счёт №**
**20203000600600289001**

в ОПЕРУ АИКБ "Ипак Йўли" 100135, г.Ташкент, ул. Фархадская 12-А.

ИНН: 201122696, МФО: 00444 S.W.I.F.T. код: INIPUZ22

**Вскрытие пакетов с тендерными предложениями состоится 14 августа 2009 года в 16:00 часов по Ташкентскому времени в зале заседаний Госкомимущества Республики Узбекистан (5 этаж).**

Участники тендера или их уполномоченные представители, подавшие тендерные предложения в установленном порядке, вправе принять участие при вскрытии пакетов с тендерными предложениями.

**По всем вопросам, относящимся к проведению тендера, просьба обращаться:**

По предприятию химической промышленности и гостиничным комплексам:

в Бюро по индивидуальной приватизации предприятий

Республика Узбекистан, г.Ташкент, 100003,

проспект Узбекистанский, 55

Здание Госкомимущества, 17-этаж

Вниманию: Ахмеджанова Халила Хакимджановича,

И.о. Генерального директора

**Телефон:** +998 (71) 259-22-51
**Факс:** +998 (71) 259-22-79
**Эл.почта:** ccpbuz@tps.uz

**По зоне отдыха, детскому оздоровительному лагерю и ОАО "ISSIQLIKQUVVATTA'MIR":**

в Главное управление Госкомимущества Республики Узбекистан,

Республика Узбекистан, г.Ташкент, 100003

проспект Узбекистанский, 55.

Здание Госкомимущества, 8-этаж

Вниманию: Маматова Одилжона Абдугаффаровича

**Телефон:** +998 (71) 259-21-90
**Факс:** +998 (71) 259-20-72
**Вебсайт:** www.gki.uz

# ТАНАФФУС ЛОЗИМ БЎЛМАЙДИГАН ҲОДИСАЛАР



**СУКУНАТДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ**

Ҳадемай фарзандингиз 1-синфга боради.

Баъзан шундай ҳолатга дуч келамизки, ёзишни эндигина ўзлаштираётган ўғил ёки қизнинг уй вазифасини аксарият ҳолларда ота ёки онаси тайёрлаб беради. Бундан кимга зиёну кимга наф?

Қийналса ҳам ўқувчининг ўзи тайёрласа, юз бора аъло эмасми? Ахир бирор нарсага ҳеч қандай қийинчиликсиз эришиб бўладими? Бугун муаллимнинг яхши баҳосини олай деб, халқнинг эртанги яхши баҳосидан қуруқ қолмайдими бундай ота-оналарнинг фарзанди? Фарзанд ана шундай "тайёри"га ўрганиб қолса, унинг келажагини қандай тасаввур қиламиз? Бундай ҳолатга йўл қўяётган ота-оналар бўрондан олдинги сукунатни ўзлари ҳосил қилаётганини билишармикан?

Бу — кичкина, аммо ўргатиб қўйилгач, қайтариб, бартараф этиб бўлмай қоладиган, тез уруғланадиган муаммолардан бири эканини унутманг, ҳадемай дилбандингиз 1-синфга борадиган ота-оналар.

**МАЪНАВИЯТНИ КЎЧИРИБ БЎЛМАЙДИ**

Сиз мактабда ўқиб юрган даврингизда синфхонада қайси партада ўтиргансиз? Биринчи қатордами, ўртароқдами ёки орқада? Албатта, бошланғич синфларда ўғил-қизлар муаллим кўрсатган жойга ўтиради. Гўёки мевали дарахтдан узилган ҳосил дастлаб бир жойга уюлгани каби. Сўнгра улар сараланиб, алоҳида-алоҳида қутиларга жойлаштирилгани сингари ўқувчилар ҳам юқори синфга ўтган сайин сараланиб боради. Бу пайтда аксарият ҳолларда олдингидан кўра орқа парталарда ўтириш ихтиёрий равишда талаш бўлади. Чунки бу маҳалда "ғалвир сувдан кўтарилаётган" бўлади. Гўёки ювилаётган меванинг салмоғи, енгили(қурт емиргани) идишнинг юзига чиқиб қолганидай, тузукроқ ўқишга ҳафсаласи йўқ ўқувчи орқага интилади. Аниқроғи, ёшлигидан уй вазифасини биров бажариб беришига ўрганиб қолган ўқувчи синфдошларининг дафтарларидан машқу масалаларни кўчиришга қулай жой қидиради. Бунинг учун энг маъқул ҳудуд - орқа парта.

Англамайдики, у дафтардан бор-йўғи бирор топшириқни кўчириб олади. Бироқ билимни, маънавиятни у бошдан бу бошга кўчириб бўлмаслиги унинг хаёли кўчасидан ҳам ўтмайди.

**ЖУРНАЛИСТ ҚАЛАМИ ҲАМ ПЕНСИЯГА ЧИҚМАЙДИ**

Ана шундай ўқувчи талаба бўлиб қолса-чи? Бўлиши мумкин. Бошқа соҳада қандай, билмадиму, бироқ, журналистикада бу каби ҳолат учраб туради.

Буни ўқув йилининг ҳар семестри бошида ва охирида таҳририятлар эшиги ҳар доимгидан-да кўп тақиллашидан билиш мумкин. Ўн-ўн беш чоғли талаба семестр бошида бирор таҳририятга амалиётга келади. Уларнинг айримлари университет йўлланмасини кўрсатиб, белгиланган вақт давомида келиб туришини (шунчаки келиб туришини бўлса керак, шунда ҳам келмайди) айтганча эшикни орқасидан беркитиб, семестр якунланаётган пайтда мажбурияти эсига тушади ва яна газета, журнал ёки ТВ-радио эшигидан мўралайди.

**БУНДАН КИМГА НАФУ КИМГА ЗИЁН?**

Бундай иш тарзига ўрганган талабанинг амалиётга мўлжалланган вақти қулоқчин орқали "тақир-туқур" мусиқаларни эшитиш, ўзининг пешона тери эвазига келмаган уяли телефон аппарати орқали уззу-кун кимлар биландир валақлашиш, турли ғайриахлоқий фильмлар кўришга сарфланмаяпти, деб айтиш қийин.

Педагоглар тарбияда танаффус бўлмайди, дейишади. Халқ ёзувчиси Тоғай Мурод эса "ёзувчи пенсияга чиқмайди", деган эди. Бўлажак журналист ҳам нафақат бир ёки икки семестрда, балки бутун фаолияти давомида мудом амалиётда бўлиши лозимлигини, қалам ҳам пенсияга чиқмаслигини англаши шарт.

Бундай ҳолатга фақат талаба айбдор эмас, деган мулоҳаза ҳам бор. Улар бирор таҳририятга амалиётга келганида "мезбонлар" томонидан илиқ кутиб олинмаётган ҳолатлар ҳам бўлиши эҳтимолдан холи эмасдир балки. Бундай ҳолат талабани тезроқ шу ерни тарк этишга мажбур қилиши ҳам мумкин. Албатта, бу фикрларга аниқ мисолларимиз йўқ. Яхшиси, бу ҳақда семестр бошида ва охирида эмас, балки амалиёт давомида мунтазам равишда таҳририятларга қатнайдиган, иш ўрганишга, малакасини оширишга, кўникмасини бойитишга интиладиган талабалардан сўраш лозим. Улар бу борада аниқ жавобни айта оладилар.

Айтиш ўринлики, илғор ва интилувчан талабалар журналистика боғининг у дарвозасидан кириб, бу эшигидан чиқиб кетишга ошиқадиган талабалардан тубдан фарқ қилади. Бирор хорижий тилни биладиган, интернет билан бемалол ишлай оладиган, муҳими, халқаро тармоқдан ахборотларни холис танлай оладиган, унга мустақил фикрини билдира оладиган бундай талабалар сонининг ошиб бориши - бугунги ўқотар қуролдан ҳам кўра қудратли бўлган Сўз қуролидан фойдаланиб, ахборот хуружлари авж олдирилаётган замонда жуда керак ҳодисадир.

**Шерали НИШОНОВ**

# «Нафосат — бўстоним маним»

Элликқалъа туманида ана шу номда ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинаётган ёш қўшиқчиларнинг кўрик танлови Оролбўйи минтақасида ўзига хос мавқега эга.

Истиқлолга эришган юртимизда ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг интилиш ва изланишларига хайриҳоҳ бўлиш, иқтидорли ёшларни излаб топиш ва қўллаб-қувватлаш борасида Президентимиз ташаббуси билан кенг қамровли тадбирлар ўтказиляпти. Ёшлар учун Зулфия ва "Ниҳол" мукофотларининг таъсис этилганлиги, булардан ташқари, йирик ҳофизлар, таниқли шоирлар ва атоқли мусаввирлар хотирасига бағишланган анжуманлар, шеърият ва санъат фестиваллари, турли танловлар назм ва наво оламида янгидан-янги ёш истеъдод эгаларини кашф этмоқда.

"Нафосат - бўстоним маним" Республика кўрик-танлови ҳам ёшлар ўртасида миллий мумтоз санъатимиз дурдоналарини кенг тарғиб этиш, миллатлараро дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, келажак авлодни буюк қадриятларимизга ва Ватанга садоқат руҳида, санъатсевар қилиб тарбиялаш мақсадида ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамда туман ҳокимлигининг бевосита ҳамкорлигида Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Туркманистон ва Татаристон халқ артисти Отажон Худойшукуров хотирасига бағишлаб ўтказилаётган бу тадбир доираси йил сайин кенгаймоқда.

Бунга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, "Халқ сўзи" ва "Народное слова" газеталари ҳамда туман ҳокимлиги ҳамкорликда ташкил этган "Ақчакўл илҳомлари" ёш ижодкорларнинг танлови ҳам қўшилди. У Ватанимиз мустақиллиги айёми арафасида ўтказиладиган нуфузли санъат ва адабиёт байрамига айланди.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Тўлепберген Қайпбергенов, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони (марҳум) Иброҳим Юсупов, Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Усмон Азим, Омон Матжон, (марҳум) Муҳаммад Юсуф, Тўлан Низом, Сирожиддин Сайид, Маҳмуд Тойир, атоқли шоирлар Эркин Самандар, Ошиқ Эркин, Гулистон Матёқубова, Улмамбет Хўжаназаров, Бахтиёр Генжемурод билан учрашиб, оқ фотиҳаларини олган ёш қаламкашлар ўзларининг Ватан ва халқ олдидаги масъулиятларини янада теранроқ ҳис қилишмоқда.

Халқ орасидан истеъдодли ёшларни излаб топиш, адабиёт ва санъатта ошуфта қалбларни кашф этишга муносиб ҳисса қўшаётган ушбу анжуман иштирокчиларидан Раўаж Ўтар, Ўлмас Хўжаев ва Ободон Турдимуродова Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Ўзбекистон Миллий университети қошида ташкил этилган Олий адабиёт курсида таҳсил олишди. Хивалик Равшанбек Матёқубов, бухоролик Соибжон Ниёзов, тўрткўллик Фарҳод Жумагелдиев, хоразмлик Рустам Нурметов, элликқалъалик Саладдин Сапаев ва бошқа кўплаб ёшлар санъаткор сифатида элга танилди.

Буларнинг бари Хоразм мумтоз қўшиқчилик санъатини кенг тарғиб этиш, таниқли ҳофиз ижро этган дилбар куй-қўшиқларни авлоддан-авлодга етказиш, ёш санъаткорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 1999 йилда ташкил этилган О.Худойшукуров номидаги жамғарма томонидан амалга оширилмоқда.

Бу йил ҳам Элликқалъа мамлакатимизнинг ёш хонанда ва шоирларни 6-маротаба бағрига чорламоқда.

Туман ҳокимлиги ҳомийлигида ўтказилаётган бу тадбир адабиётимиз, санъатимиз, демакки, миллий маданиятимиз ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилаверади.

**Фарҳод ИБОДУЛЛАЕВ,**
**Отажон Худойшукуров номидаги жамғарма раиси ўринбосари**

# Долзарб мавзуга бағишланган




**Бу дунёда молу давлатдан-да азизроқ, қимматлироқ бўлган умуминсоний туйғулар борки, уларни фақат идрок қилмоқ, юракдан ҳис қила билмоқ керак.**

Ватанни севиш, ўз элини эъзозлаш, қонун устуворлигини ҳурматлаш, ўзи ва яқинларининг тақдирига бефарқ бўлмаслик шулар жумласидандир.

Бироқ, ана шундай муқаддас туйғуларни тўла англаб етмаган айрим юртдошларимиз билиб-билмай, ҳаёт йўлларида ҳамон адашмоқдалар. Натижада, ҳаётнинг аччиқ ва чиркин, кўнгилсиз кўланкаларида қолиб кетмоқдалар.

Таниқли ҳуқуқшунос-журналист Гулчеҳра Раззоқованинг "Алашганлар" қиссаси Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти ходимлари томонидан аниқланиб, фош этилган реал воқеаларга асосланган. Асар қаҳрамонлари дуч келган ҳаёт синовлари, улар тушиб қолган аянчли ҳолатлар ва уларнинг тақдир тўқнашувлари, сиз азиз китобхонларни ҳам бефарқ қолдирмаслигига ишонамиз.

*Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!*

Бош прокуратура жамоаси ва фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси **Шукур АҲМЕДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Сирдарё вилоят прокуратураси жамоаси Гулистон туман прокурори Х.Давроновга онаси **ЎҒИЛОЙ онанинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Учтепа туман прокуратураси катта терговчиси З.Кангилбаевга акаси **Эргаш КАНГИЛБАЕВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

Сурхондарё вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Ф.Хушназаровга падари бузруквори **ЖЎРА отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Huquq yuridik gazeta
Ta'sischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi
Bosh muharrir: Jahongir MAKSUMOV
Tahrir hay`ati: Yusupboy G`OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK
Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53.
Faks: 233-64-85, 233-10-53.
Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2007 yil 22 yanvarda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.
Nashr ko'rsatkichi – 231
ISSN 2010-7617
Buyurtma Г —655. 16 062 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Sahifalovchi: X.HAMIDOV
Navbatchi muharrir: M.DUSIYOROVA
Navbatchi: O'.DEHQONOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA
Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda
Gazeta «Sharq» NMAK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 22.30 1 2 3 4 5 6 7 8 9